

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ЌУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАТМУРОДОВ Ф.М., ГИМУШ Р.И.

КОРХОНА МЕНЕЖМЕНТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**акционерлик-корпоратив,
МЧЖ, давлат, хусусий,
деҳқон ва фермер**

Тошкент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ЌУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

МАТМУРОДОВ Ф.М., ГИМУШ Р.И.

КОРХОНА МЕНЕЖМЕНТИ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

**акционерлик-корпоратив,
МЧЖ, давлат, хусусий,
деҳқон ва фермер**

Тошкент

Матмуродов Ф.М., Гимуш Р.И. Корхона менежменти. Ўқув қўлланма.
ТАҚИ, 2004 й. 94 бет.

Ушбу ўқув қўлланмада иқтисодиётдаги институционал ислохотлар ва корпоратив бошқарув муаммолари; республика иқтисодиётидаги корпоратив бошқариш амалиёти ва уни тараққиёти; иқтисодиётнинг хусусий тузилмалариининг мувофиқлаштирув органлари; корхоналар инновацион жараёни менежменти ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш саволлари таҳлил қилинган.

Китобдан тармоқ иқтисодиёти мутахасислигига эга олий ўқув юртлари магистр ва бакалаврлари, ҳамда иқтисодчи мутахассислар фойдалинишлари мумкин.

Такризчилар:

1. ТАҚИ ИФ доценти, и.ф.н. Хаирова Д.Р.
2. ТТЕСИ ИФ профессори Жумабоев А.Р.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
иқтисодиёт мутахасисликлари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия
этган.

Мундарижа

	бет
Кириш	5
1-боб. Иқтисодиётдаги институционал ислохотлар ва корпоратив бошқарув муаммолари	
1.1 Институционал ислохотлар: давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичи ва турли мулк шакллари кўпайиши	8
1.2 Фонд бозорида корпоратив ва давлат акцияларини сотиш динамикаси ва облигацияларни дастлабки муомаласи	12
1.3 Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар тараққиёт динамикаси	17
1.4 Корхоналарни ривожлантиришда хорижий сармоялар учун яратилган имтиёз ва кафолатлар	26
1.5 Корхоналарни стратегик бошқарув назарияси	31
1.6 АЖ ларнинг умумий мажлиси, кузатув кенгаши ва бошқарув раисларининг ҳуқуқий мақомлари	32
1.7 Ривожланган хориж мамлакатлари иқтисодиёти менеж-ментининг таҳлили	33
1.8 Акционерлик ва маъсулияти чекланган жамиятларнинг ташкилий бошқарув шакллари	40
1.9 Иқтисодиётни реал секторида корхоналар бошқаруви муаммолари	42
1.10 Корпоратив корхоналар иқтисодиётнинг самарали бўли-шига тўсқинлик қилаётган энг долзарб муаммолар	44
1.11 Давлат корхонасининг ташкилий бошқаруви	46
2-боб. Республика иқтисодиётидаги корпоратив бошқариш амалиёти ва уни тараққиёти	

2.1. Корпоратив бошқарув: акционерлик жамиятларнинг ички бошқаруви	48
2.2 Акциялар давлат пакетини бошқаришнинг амалдаги схемаси	52
2.3 Қурилиш тармоғи - «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси корхоналарида корпоратив бошқарув ҳолати	61
2.4 Корхоналарда бошқаришни такомиллаштириш йўналиш-лари	63
3-боб. Иқтисодиётнинг хусусий тузилмаларининг мувофиқлаштирув органлари	
3.1 Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ижро этувчи аппарати	66
3.2 Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг ташкилий бошқаруви	68
3.3 Аграр хўжалик корхоналарини ташкилий иқтисодий асос-лари: ширкат, фермер ва дехқон хўжаликлари	73
3.4 Хусусий корхонанинг янги имкониятлари	75
4-боб. Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	78
4.1 Корхоналар бошқарувини тамойиллари	
4.2 Корпоратив бошқарувда иштирок этаётган раҳбарларни шахсига талаб	81
4.3 Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	82
5-боб. Корхоналар инновацион жараёни менежменти	
5.1 Инновацион жараённинг асосий босқичлари ва уни менеж-менти	84
5.2 Инновацион лойиҳаларни баҳолаш тартиби ва танлаш усуллари	85
5.3 Корхоналар инновацион лойиҳа самарадорлиги	86
5.4 Инновацион менежментнинг такомиллаштириш	90
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	93
Илова	94

Кириш

Қачонки қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори тўла ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, алоҳида акциялар сотиб олишга иштиёқ ва интилиш туғилса, акцияларнинг ўзи эса шунчаки оддий қоғоз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қимматли қоғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина хусусийлаштириш жараёнларига янги суръат ва аниқ мазмун бахш этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Мустақиллик йилларида, ислохотларнинг биринчи босқичидаёқ, кўп укладли иқтисодиётни шакллантиришда, иқтисодиётни бошқаришнинг ташкилий тузилмасида йирик ўзгаришлар юз берди, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни фаол олиб борилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди, бозор инфратузилмасининг асосий муассасалари шакллантирилди.

Янги иқтисодий шароитларда давлатнинг асосий вазифалари:

- мулкчилик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва уни амалга ошириш имкониятларини таъминлаш;
- монополиядан чиқариш сиёсатини амалга ошириш орқали бозорларда рақобат бўлишига ёрдам бериш;
- халқ хўжалигининг устун тармоқлари ва янги бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ёрдам бериш ва ҳаказолардан иборат бўлади.

Ҳозирги даврда корхона ва ташкилотларнинг, шу жумладан, қурилиш корхоналарининг ҳам олдида турган муҳим масалалардан бири – бу корхона хўжалик фаолиятини такомиллаштиришдан иборатдир. Чунки ҳозирги бозор иқтисодиётида хўжалик фаолиятини такомиллаштирмасдан туриб, қутилган натижаларга эришиш амри маҳолдир. Шунинг учун айти пайтда кўпинга ташкилотлар олдида ушбу муаммо кўндаланг бўлиб қолмоқда. Булар ўз

навбатида қурилиш корхоналарининг хўжалик фаолиятининг ижобий натижаларга эришишда тўсқинлик қилмоқда. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда иқтисодий ислохотлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларидаки кичик ва ўрта бизнес вакиллари ишонч билан кириб келаётган ўрта синф юзага келди. Мустақиллик йилларида республикада хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди ва у янада такомиллаштирилиб турилибди. Бу борадаги муносабатларни тартибга солувчи 60 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Эндиги муҳим вазифалардан бирикичик ва ўрта тадбиркорлик тарақиётини давлат томонидан тартибга солиш ва рағбатлан-тиришнинг молия-кредит механизмининг такомиллаштиришдир.

Бозор иқтисодиётини барпо этаётган ҳар қандай давлатда маскур вазифанинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида тадбиркорлик фаоллигининг кучайиши билан боғлиқ. Бозор муносабатларини шакиллантиришга, ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг тармоқ ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришга, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, аҳолининг товар ва хбўлган эҳтиёжини янада тулароқ қондиришга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кичик ва ўрта тадбиркорликнинг тарақиётини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамиз ҳукумати томонидан кичик ва ўрта тадбиркорликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ва уни ривожлантириш масалаларига қайта-қайта эътибор қаратилиб келинмоқда. Чунки мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири, мулкдорлар синфининг ўзаги бўлмиш кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришдир

Ўқув қўлланмада қуйидаги саволлар тавсиф қилинган:

- иқтисодиётдаги институционал ислохотлар ва корпоратив бош-қарув муаммолари;

- республика иқтисодиётидаги корпоратив бошқариш амалиёти ва уни таракқиёти;

- иқтисодиётнинг хусусий тузилмаларининг мувофиқлаштирув органлари;

- корхоналар инновацион жараёни менежменти;

- корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш.

1-боб. Иқтисодиётдаги институционал ислохотлар ва корпоратив бошқарув муаммолари

1.1 Институционал ислохотлари: давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ҳозирги босқичи ва турли мулк шакллариининг кўпайиши

Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурида 2003 йилда 1407 корхонанинг мулкчилик шаклини ўзгартириш кўзда тутилган эди. Ҳақиқатда 1519 та давлат корхонаси хусусийлаштирилди, шу жумладан тўртинчи чоракда - 490 та корхона (1.1-жадвал). Бу кўрсаткичлар ўтган йилнинг тегишли даврида хусусийлаштирилган корхоналар сонидан мос равишда 393 ва 240 тага кам, бу 2003 йилда кўпроқ, йирик корхонапар хусусийлаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тармоқлар миқёсида таҳлил қилинганда 2003 йилда кўпроқ, телекоммуникация (111), қишлоқ ва сув хўжалиги (124), нефт-газ саноати (62), халқ таълими (96), соғлиқни сақлаш (71) соҳалари корхоналари хусусийлаштирилган, худудий миқёсда эса хусусийлаштирилган объектларнинг энг кўп қисми Ташкент ш. (510), Тошкент (124), Фарғона (98), Андижон (96) ва Сурхондарё (91) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Тармоқлар миқёсида таҳлил қилинганда 2003 йилда нодавлат мулки шаклидаги 1452 янги корхоналар ташкил қилинди, шу жумладан тўртинчи чоракда - 477 корхона (1-жадвал). Буларнинг энг кўп қисми мулк эгаси ягона бўлган хусусий корхона ва маъсулияти чекланган жамият шаклида ташкил қилинган.

Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 апрелдаги «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорини бажарилишини таъминлаш мақсадида 41,4 млрд. сўмга тенг давлат ва илгари жойлаштирилмаган акциялар пакети ва 972 акциядорлик жамиятлари низом

жамғармасидаги улушлар ва 129 та масъулияти чекланган жамиятлар хусусийлаштирилди, бу ўтган йилга нисбатан 3 марта кўпдир, шу жумладан тўртинчи чоракда умумий суммаси 7,5 млрд. сўмлик 550 акциядорлик жамиятларининг давлат активлари ва 74 масъулияти чекланган жамиятлар хусусийлаштирилди.

Давлат активларини сотишнинг янги, эгилувчан механизмлари жорий қилинди. Шу тариқа, танлов асосида нолга тенг бўлган сотиб олиш қийматида 20 та паст рентабелли ва зарар билан ишлаётган корхоналар, сармоядорлар томонидан, бу корхоналар молиявий-иқтисодий фаолиятини қисқа муддатларда (2-3 йилда) тубдан яхшиланишини таъмин этувчи инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан хусусийлаштирилди. Сармоядорлар томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятларининг умумий суммаси 1,1 млрд. сўмни ташкил қилади.

Биржа савдоларига чиқарилган кўчмас мулк объектлари ва акциялар пакети бошланғич баҳосини босқичма-босқич камайтириб бориш механизмини қўллаш йули билан баҳосининг юқорилиги ҳисобига узоқ вақт давомида инвесторлар талаби бўлмаган 415 акциядорлик жамиятининг 2,6 млрд. сўмлик акциялар пакети ва 412,6 млн. сўмлик 71 та давлат кўчмас мулк объектлари сотилди.

1.1-жадвал. Хусусийлаштириш жараёнида ташкил қилинган нодавлат корхоналари сони
(дона)

Давр-лар	Жами ташкил қилинди	Шу жумладан		
		Акциядорлик жамиятлари	Хусусий корхоналар	Бошқа шакллардаги корхоналар
02-I	268	26	211	31
02-II	331	45	249	37
02-III	481	86	287	108

02-IV	720	66	505	149
03-1	301	19	255	27
03-2	342	5	301	36
03-3	332	19	160	153
03-4	477	32	265	180

Манба: ЎзР Давлат мулки кўмитаси

Давлат мулкани хусусийлаштирилишидан 2003 йилда жами 56,1 млрд. сўм келиб тушди, шу жумладан тўрттинчи чоракда - 22,3 млрд. сўм. Маблағлар тушумининг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига таққослаганда мос равишда 1,3 ва 1,4 мартани ташкил қилади.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланишнинг амалдаги тартибига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш лойиҳаларини молиялаштириш учун республика ва маҳаллий бюджетларга, шунингдек техник қайта қуроллантириш ва ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш мақсадлари учун хусусийлаштирилаётган корхоналарга йуналтирилади.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағнинг бир қисми ҳукуматнинг махсус қарорлари асосида тақсимланади. Мамлакат иқтисодиёти учун корхоналарини тезкор қайта тиклаш муҳим аҳамият касб этувчи давлат акциядорлик компанияларига ("Ўзбекэнерго", "Ўзбекистон темир йуллари" ва б.), махсус қабул қилинган ҳукумат қарорлари асосида улар таркибига кирувчи корхоналарни хусусийлаштиришдан тушган маблағнинг, жорий харажатлар чегирилгандан қолган қисми 100% ўтказиб берилади.

1.2-жадвал. Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар тақсимотининг таркиби (%)

Маблағ тақсимотининг йуналишлари	02-I	02-II	02-III	02-IV	03-I	03-II	03-III	03-IV
Республика бюджети	25,0	28,3	24,4	21,2	38,9	33,3	28,3	30,0
Маҳаллий бюджетлар	5,9	8,2	10,0	6,2	6,5	11,9	8,0	6,2
Бизнес-фонд	5,9	8,2	10,0	7,1	6,5	11,9	8,0	4,1
Хусусийлаштирилаётган корхоналар	10,3	9,4	7,8	3,9	10,1	7,1	10,6	7,6
Ҳукумат қарорлари бўйича хўжалик бирлашмалари, корхона ва ташкилотларга	52,9	45,9	47,8	56,6	38,0	35,8	45,1	52,1
Жами	100	100	100	100	100	100	100	100

Манба: ЎЗР Давлат мулки қўмитаси.

1.2-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, хусусийлаштиришдан тушаётган маблағ тақсимотининг таркиби ҳар чоракда ўзгариб турибди. Бу илгари молиявий ёрдам кўрсатиш тўғрисида махсус қарор қабул қилинган корхоналар бўйича ҳар чоракда хусусийлаштириладиган акцияларни сотиш қиймати ва тушган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги янги ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши билан боғлиқ ҳолда юз бермоқда.

1.2. Фонд бозорида корпоратив ва давлат акцияларини сотиш динамикаси ва облигацияларни дастлабки муомаласи

Қимматбаҳо қоғозлар Давлат реестрига 2003 йилда қуйидаги ёзувлар киритилди:

-111,0 млрд. сўмлик акцияларнинг 514 эмиссияси, шу жумладан тўртинчи чоракда - 49,0 млрд. сўмлик 251 эмиссия;

- 16,0 млрд. сўмлик корпоратив облигацияларнинг 24 эмиссияси, шу жумладан тўртинчи чоракда - 6,4 млрд. сўмлик 10 эмиссия.

қимматбаҳо қоғозлар бозорида акциялар савдосининг умумий ҳажми 2003 йилда 74,7 млрд. сумни ташкил қилди, шу жумладан тўртинчи чоракда - 25 млрд. сўм (1.3-жадвал ва 1.5-жадвал). Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати мос равишда 1,8 ва 1,4 мартани ташкил этди.

1.3-жадвал. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акцияларни сотиш ҳажми (млрд. сўм)

Даврлар	Бирламчи бозор		Иккиламчи бозор		Жами	
	сумма	Жамига нисбатан, % ҳисобида	сумма	Жамига нисбатан, % ҳисоби да	сумма	Жамига нисбатан, % ҳисобида
02-I	3,08	40,7	4,49	59,3	7,57	100
02-II	3,69	39,9	5,56	60,1	9,25	100
02-III	4,04	57,7	2,96	42,3	7,00	100
02-IV	5,52	30,8	12,40	69,2	17,92	100
03-I	10,86	68,8	4,93	31,2	15,79	100
03-II	5,06	51,9	4,69	48,1	9,75	100
03-III	20,32	83,9	3,91	16,1	24,23	100
03-IV	17,66	70,8	7,27	29,2	24,93	100

Манба: ЎзР Давлат мулки кумитаси ҳузуридаги қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш маркази

Қимматбаҳо қоғозларнинг бирламчи бозорида 2003 йилда 53,9 млрд. сўмлик акциялар сотилган, шу жумладан тўртинчи чорада 17,7 млрд. сўмлик. Ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан ўсиш суръати мос равишда 3,3 ва 3,2 мартани ташкил этди. 2003 йилда биржа савдоларида 19,7 млрд. сўмлик (36,5%), биржадан ташқари бозорда (тендер савдоларини ўтказиш ва сармоядорлар билан бевосита музокаралар йули билан) эса 34,2 млрд. сўмлик (63,5%) акцияларни бирламчи жойлаштириш амалга оширилди. Қимматбаҳо қоғозларнинг бирламчи бозорида 2003 йилда ўтган йилга нисбатан акциялар савдоси суръатининг юқорилиги ва ҳажмининг ортиши сармоядорлар учун манфаатли бўлган акциядорлик жамиятларининг илгари жойлаштирилмаган ва давлат акциялар пакетининг савдога чиқарилиши ва фонд биржасида акцияларни бошланғич сотиш баҳосини босқичма-босқич камайтириб боришнинг эгилувчан механизмини қўллаш билан изоҳланади.

«Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниялари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Автомобил ва дарё транспорти Ўзбекистон агентлиги, «Ўғмойтамакисаноат» ва «Ўзпахтасаноат» уюшмалари ва «Ўздонмахсулот»нинг хусусийлаштирилган корхоналари акциялари битимлар сони ва ҳажми бўйича бирламчи фонд бозорида энг кўп сотиб олинаётган акциялар бўлди. Бу корхоналарнинг акциялари 2003 йилда хусусийлаштирилаётган корхоналар акциялари савдосининг умумий ҳажмини қарийб 70% ташкил килди.

Ўзбекистон давлат корхоналарини хусусийлаштириш жараёнига хорижий сармоядорлар қизиқишининг ортганлиги кузатилмоқда. Акцияларни бирламчи савдоси бўйича тузилган битимларнинг умумий ҳажмида уларнинг улуши 2002 йилдаги 28%дан 2003 йилда 70,2%гача ортди.

Хусусийлаштирилаётган корхоналар акцияларини сотиб олишга маҳаллий сармоядорлар қизиқишини ортганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Акцияларни сотиб олиш бўйича улар томонидан 2003 йилнинг биринчи чорагида 861 млн. сўм, иккинчи чорагида 2299 млн. сўм, учинчи чорагида 3443 млн. сўм ва тўртинчи чорагида 5187 млн. сўмлик битим

тузилган, бу биринчи чоракка нисбатан 6 марта кўпдир. Жисмоний шахсларга хусусийлаштирилган корхоналар акцияларини сотиш ҳажми тўртинчи чоракда биринчи чоракка нисбатан 10,3 мартага ошди. Ушбу ўсиш хусусийлаштирилган корхоналар негизида ташкил қилинган хўжалик жамиятлари акциялари (улушлари) буйича дивиденд кўринишида жисмоний шахсларнинг олган даромадини беш йил муддатга солиққа тортишдан озод қилиниши сабаб бўлди.

Қимматбаҳо қоғозларнинг иккиламчи бозорида 2003 йилда 20,8 млрд. сўмлик акциялар сотилган, шу жумладан тўртинчи чоракда - 7,3 млрд. сўмлик. Иккиламчи бозорда акцияларни сотиш ҳажми 2002 йилнинг тегишли даврларига нисбатан мос равишда 1,2 ва 1,7 мартага камайган. Иккиламчи биржа бозорида 899 эмитент акциялари билан битимлар амалга оширилган, 2002 йилда эса фақатгина 425 эмитент акциялари билан битимлар амалга оширилган эди.

2003 йилда биржа бозорида акцияларнинг иккиламчи савдосини умумий ҳажми ўтган йилга нисбатан кўпайиш тенденцияси кузатилган. 2003 йилнинг биринчи чорагида "Тошкент" РФБ орқали 2,2 млрд. сўмлик, иккинчи чоракда 2,2 млрд. сўмлик, учинчи чоракда - 2,9 млрд. сўмлик, тўртинчи чоракда эса - 5,1 млрд. сўмлик акциялар сотилган. Ўтган йилнинг тегишли даврларига нисбатан ўсиш суръатлари мос равишда 2,2, 1,4, 1,8 ва 3,7 мартани ташкил қилди. 2003 йилнинг иккинчи ярмида Ўзбекистонда қимматбаҳо қоғозлар бозорини амал қилиши давридан буён илк марта иккиламчи биржа бозорида, биржадан ташқари бозордагига нисбатан 2,5 марта кўпроқ акция сотилган. Бу тартибсиз, биржадан ташқари бозорда акцияларнинг иккиламчи савдосига йул қуймасликка қаратилган ҳукумат томонидан қабул қилинган чоралар натижасидир.

Қимматбаҳо қоғозларнинг иккиламчи бозорида "Ўзбекнефтгаз" ва "Ўзмевасабзавотузумсаноат холдинг" компанияларининг акциядорлик жамиятлари, "Ўздонмахсулот" ва "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компаниялари ва бошқа бир қатор хўжалик бирлашмалари акцияларига

бўлган талаб энг юқоридир, бу улар акциялари даромадининг барқарор ўсиши билан боғлиқ. 2001 ва 2002 йиллар якуни бўйича акциядорлик жамиятларининг битта акциясига ҳисобланган дивиденд мос равишда "Муборакнефтгазмонтаж" АЖ битта акциянинг номинал қиймати 500 сўм бўлганда дивиденд 3678 ва 12646 сўм; «Боғдод нон маҳсулот» битта акциянинг номинал қиймати 200 сўм бўлганда дивиденд 673 ва 938 сўм; "Охангарон шифер" битта акциянинг номинал қиймати 100 сўм бўлганда дивиденд 200 ва 2450 сўмга тенг бўлган. Ушбу акциядорлик жамиятлари акцияларига 2003 йил якунлари бўйича ҳам юқори дивиденд ҳисобланиши кутилмоқда.

Ўзбекистоннинг бир қатор акциядорлик жамиятлари томонидан 2002-2003 йиллар давомида имтиёзли корпоратив облигацияларининг чиқарилиши натижасида қимматбаҳо қоғозлар бозорида уларнинг айланмаси кенгаймоқда. 2003 йилда 18,6 млрд. сўмлик шундай облигациялар сотилган, шу жумладан биржа бозорида 3,6 млрд. сўмлик, биржадан ташқари бозорда 15,0 млрд. сўмлик. Тўртинчи чоракда 4,0 млрд. сўмлик корпоратив облигациялар сотилган, шу жумладан биржа бозорида 1,1 млрд. сўмлик, биржадан ташқари бозорда 2,9 млрд. сўмлик.

1.4-жадвал. Давлат корхоналарини хусусийлаштиришнинг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
Хусусийлаш-тирилган корхоналар сони (дона)	8537	1915	1231	451	448	374	1449	1912	1519
Хусусийлаш-тирилган мулк негизда ташкил қилинган нодав-	8537	1915	899	266	373	372	1238	1800	1452

лат мулки шакли- даги корхоналар сони									
Акциядорлик жамиятлари	1026	1257	456	110	141	152	227	223	75
Хусусий корхоналар	6036	420	260	103	156	103	827	1252	981
Бошқа ташкилий- ҳуқуқий шаклдаги корхоналар	1475	238	183	53	76	117	184	325	396
Хусусийлаш- тиришдан тушган мабпағ (млрд. сўм)	2,4	5,3	4,4	8,9	9,1	14,3	23,2	43,6	56,1

Манба: ЎзР Давлат мулки кўмитаси

Изоҳ: Бир қатор акциядорлик жамиятлари бир нечта давлат корхоналари мулкани бирлаштириш ёки битта корхона мулкани бўлиш йули билан ташкил қилинган. Мисол учун, шу тариқа, 2003 йилда 142 та давлат корхоналари негизида 75 та акциядорлик жамиятлари ташкил қилинган.

1.5-жадвал. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида акцияларни сотиш ҳажмининг ўзгариши
(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
Қимматбаҳо қоғозлар бозорида сотилган акциялар жами	1,74	8,27	8,37	17,92	10,78	17,11	26,13	41,74	74,7
Бирламчи	1,58	5,94	5,48	9,99	4,51	6,23	12,26	16,33	53,9

бозорда									
Биржада	1,32	2,78	2,28	3,25	3,13	4,60	6,84	10,53	19,7
Биржадан ташқари	0,26	3,16	3,18	6,74	1,38	1,63	5,42	5,80	34,2
Иккиламчи бозорда	0,16	2,33	2,89	7,93	6,27	10,88	13,87	25,41	20,8
Биржада	-	0,03	0,02	0,27	0,51	0,63	1,10	4,60	12,4
Биржадан ташқари	0,16	2,30	2,87	7,66	5,76	10,25	12,77	20,81	8,4

Манба: Қимматбаҳо қоғозлар бозори фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича марказ - 1999-2003 йй. кўрсаткичлари.

1.3 Хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар таракқиёт динамикаси

Ўзбекистонда йирик корхоналарни хусусийлаштиришда давлат томонидан савдога чиқарилган акциялар ҳажмининг кўпайиши ва инвестиция фаоллигини ошириш, бир неча алмашинув курсларини тугатилиши ва жорий халқаро амалиётлар бўйича миллий валюта (сўмни) конвертациясини жорий қилиниши, айрим турдаги истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни (ХИК) қўшилган қиймат солиғидан ташқари бошқа барча турдаги солиқ ва йиғимлардан озод қилиш борасидаги аниқ чораларни ўзида акс эттирган меъёрий-ҳуқуқий тадбирлар 2003 йилда амалга оширилган.

Ўтган 2003 йилда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан 1441,3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, иш ва хизматлар бажарилган (1.6-жадвал). Моддий соҳада маҳсулот ишлаб

чиқариш улуши 2002 йилдаги 83%дан 2003 йилда 85,4%гача ошди. Ёқилги, кимё ва нефткимё, енгил, озиқ-овқат, электротехника саноати ва автомобилсозлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми кўпайди.

1.6-жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматлар ҳажмининг динамикаси

	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар ҳажми		Саноат маҳсулот-лари ишлаб чиқариш		Бажарилган хизматлар ҳажми	
	млрд. сўм	%	млрд.сўм	%	млрд.сўм	%
2002	1049,5	100	871,3	83,0	178,2	17
2003	1441,3	100	1230,9	85,4	210,4	14,6

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси.

2003 йилдан "Бестекс" ҚК, "Баликчи" ҚК ва "Ойим Тўқимачилик" ҚК пахтали газлама ва ил ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар ишга туширилди, янги «Сурхонтўқимачилик», "Ядем Тўқимачилик"ҚК ташкил қилинди, ипак ва аралаш ип, тайёр ипак ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқариш бўйича "Велай-силк" ҚК қайта техник қуроллантириш якунига етказилди.

2003 йилда ХИК ҳиссасига республикадаги умумий экспортнинг 15,2% ва импортнинг 29% тўғри келган (1.7-жадвал). Экспорт ва импортнинг сезиларли ортиши 2002-2003 йилларнинг тўртинчи чорақларида кузатилган, мос равишда 30,5 ва 83,8%.

Республика бўйича ХИК экспорти 2003 йилда 564,4 млн. доллар ёки 2002 йилга нисбатан 127,4% ташкил қилган. Бунда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлар таркибида экспорт салмоғи 5,4 фоиз даражага ошган (1.7,1.8-жадваллар).

1.7-жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2002	2003	02-IV	03-IV*	2003 и. 2002 й-га нисбатан	03-IV 02-IV га нисбатан
ХИК экспорти	млн. доллар	442,9	564,4	119,1	155,4	127,4	130,5
ХИК импорти	млн. доллар	704,8	858,4	138,1	253,8	121,8	183,8
ХИК ишлаб чиқарилган маҳсулот иш ва хизматларнинг республика ЯИМ даги улуши	%	14,1	14,9	X	X	X	X
Ишлаб чиқарилган маҳсулот, иш ва хизматлар ҳажмидаги ХИК экспорти улуши	%	32,7	38,1	X	X	X	X
Республика умумий экспорт ҳажмидаги ХИК экспорти улуши	%	14,8	15,2	13,8	14,1	X	X
Республика умумий импорт ҳажмидаги ХИК импорти улуши	%	26,0	29	20,5	29,5	X	X

Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитаси. *Чораклик кўрсаткичлар ҳисоблаш йули билан ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида аниқланди

2003 йилда ХИК экспортининг товар таркибида қуйидаги гуруҳ товарлари («Бошқалар» гуруҳини ҳисобга олмаган ҳолда) катта салмоқни ташкил қилди: «машина ва ускуналар» (19,4%), "хизматлар" (4,4%), "озик-овқат" (4.2%). «Рангли ва кора металллар» (86%),"машина ва ускуналар"

(50,1%), энергетика ва ёқилғи маҳсулотлари (46,7%) ва "кимёвий маҳсулотлар"(40,9 %) товар гуруҳлари бўйича экспортнинг нисбатан юқори ўсиш суръатлари кузатилган. Пахта толаси экспортининг қиймати 4 мартадан кўпроқ ошди.

1.8-жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортининг товар таркиби

	2002		2003		02-IV*		03-IV*		2003 и. 2002 й-га нисбатан, %	03-IV 02-IV га нисба- тан, %
	млн. долл	%	млн. долл	%	млн. долл	%	млн. долл	%		
Жами	443	100	564,4	100	119,0	100	155,4	100	127,4	130,5
Пахта толаси	4,44	1,0	18,37	3,3	1,31	1,1	5,92	3,8	413,8	451,3
Озиқ-овқат	18,18	4,1	23,84	4,2	5,41	4,4	5,82	3,7	131,2	107,7
Кимё саноати маҳсулотлар	9,24	2,1	13,03	2,3	1,93	1,6	4,59	3,0	140,9	238,1
Энергетика ва ёқилғи маҳсулотлари	12,84	2,9	18,84	3,4	3,53	3,0	5,00	3,2	146,7	141,8
Қора ва рангли металлар	2,27	0,5	4,22	0,7	0,90	0,8	2,08	1,4	186,0	231,6
Машина ва ускуналар	73,12	16,5	109,78	19,4	19,74	16,6	35,15	22,6	150,1	178,0
Хизматлар	16,76	3,8	25,01	4,4	4,15	3,5	8,28	5,3	149,2	199,5
Бошқалар	306,12	69,1	351,35	62,3	82,09	69,0	88,56	57,0	114,8	107,9

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси. *Чораклик кўрсаткичлар ҳисобпаш йули билан

ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида аниқланди

Турли русумдаги автомобиллар ("Нексия", "Тико", "Матиз", "Лассети", "Дамас"), автобуслар, пахтали газлама ва ип, мебел, спорт буюмлари,

пойафзал ва кийим-кечак, макарон ва қандолат маҳсулотлари, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашдан олинган тайёр маҳсулотлар, кимё саноати маҳсулотлари ва бошқа турдаги маҳсулотлар экспортга йўналтирилган.

Ҳудудий жиҳатдан ХИК маҳсулотларини энг салмоқли экспорт килувчи худудлар бўлиб Навоий (2003 йилдаги экспорт ҳажми -159,79 млн.долл), Андижон (103,81 млн.долл), Тошкент (88,87 млн.долл), Фарғона (71,52 млн.долл) вилоятлари ва Тошкент ш. (70,19 млн.долл) ҳисобланади. Республика бўйича ХИК экспортининг 87% ортиги улар ҳиссасига тўғри келади (1.9-жадвал).

1.9-жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспортиининг худудий таркиби

Худудлар	2002		2003		02-IV*		03-IV*		2003 и. 2002 й-га нисбатан %	03-IV 02-IV га нисбатан %
	млн. долл	%	млн. долл	%	млн. долл	%	млн. долл	%		
Жами	442,96	100	564,44	100	119,06	100	155,40	100	127,4	130,5
Қор-н республикаси	0,84	0,2	0,56	0,1	0,05	0,0	0,11	0,1	66,1	203,3
Андижон	61,83	14,0	103,81	18,4	16,58	13,9	32,82	21,1	167,9	197,9
Бухоро	1,66	0,4	15,82	2,8	0,26	0,2	5,56	3,6	952,0	2172,1
Жиззах	0,30	0,1	0,97	0,2	0,06	0,1	0,72	0,5	323,5	1181,5
Қашқадарё	7,15	1,6	12,80	2,3	2,68	2,3	2,42	1,6	179,0	90,3 !
Навоий	159,07	35,9	159,79	28,2	36,98	31,0	38,13	24,5	100,5	103,1
Наманган	9,71	2,2	16,32	2,9	3,42	2,9	4,55	2,9	168,0	133,2
Самарқанд	8,13	1,8	13,80	2,4	2,93	2,5	3,33	2,1	169,8	113,5
Сурхондарё	0,59	0,1	1,69	0,3	0,22	0,2	0,18	0,1	287,0	84,0

Сирдарё	3,42	0,8	4,59	0,8	0,80	0,7	0,84	0,5	134,3	104,5
Тошкент	77,20	17,4	88,87	15,8	24,36	20,4	21,68	14,0	115,1	89,0
Фарғона	48,89	11,0	71,52	12,7	16,57	13,9	18,16	11,7	146,3	109,6
Хоразм	1,60	0,4	3,71	0,7	0,22	0,2	1,16	0,7	231,4	529,5
Тошкент ш.	62,55	14,1	70,19	12,4	13,92	11,7	25,72	16,6	112,2	184,8

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси. *Чораклик кўрсаткичлар ҳисоблаш йули билан ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида аниқланган

ХИК экспортида Қорақалпоғистон республикаси, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг улуши нисбатан паст (1%дан камроқ). Шу билан бирга, мазкур ҳудудларда (Қорақалпоғистон республикасидан ташқари) хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспорт ҳажми 2002 йилги кўрсаткичдан 1,3 мартадан (Сирдарё вилояти) 3,2 мартагача (Жиззах вилояти) оширилди. Бухоро вилоятидаги хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар экспорт ҳажмини 9,5 мартага, тўртинчи чоракда эса 21,7 мартага оширдилар. Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари корхоналари 2003 йилнинг тўртинчи чорагида экспорт ҳажмини камайтиришига қарамасдан, йил якуни бўйича мазкур ҳудудларда 2002 йилга нисбатан бирмунча ўсиш (мос равишда 79%, 187%, 15,1%га) кузатилган. Ушбу ҳудудларнинг асосий экспорт қилган товарлари - бу пахтали газлама, ип, бўз, мева-сабзавот консервалари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотарини қайта ишлашдан олинган бошқа маҳсулотлар, кимё саноати маҳсулотлари.

Республика бўйича ХИК маҳсулот ва хизматлар импорта ҳажми 858,4 млн. АҚШ долл. ташкил қилди, бу 2002 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 21,8% юқоридир. Тўртинчи чоракда импорт ҳажмини тез суръатлар билан ўсиши кузатилган ва 253,8 млн.долл. баҳоланган.

Импорт ҳажмини кўпайишига жорий халқаро амалиётлар бўйича ва кўпроқ даражада инвестиция товарлари, металлургия ва кимё саноати маҳсулотлари олиб келинишига миллий валюта (сўмнинг) конвертациясини киритилиши таъсир кўрсатди.

2003 йилнинг тўртинчи чорагидаги озиқ-овқат ва кимё саноати маҳсулотларини олиб келишнинг ортиши ўтган 2002 йилнинг шу даврига нисбатан паст суръатларда юз берган, натижада ХИК импортидаги уларнинг улуши мос равида 3,3 ва 2,4 фоиз даражага қисқарди.

2003 йил якунлари бўйича ХИК импортнинг ўсиш суръати экспортни ўсишига нисбатан (5,7 фоиз даражага) пастроқдир (1.9-жадвал), бу ўз навбатида корхоналарни олиб келинадиган хомашё ва материалларга бўлган эҳтиёжини камайганлиги ва кўпроқ, маҳаллий ресурслардан фойдаланишга интилишини акс эттиради. Лекин ХИК ташқи савдо балансида республика бўйича импорт экспортга нисбатан юқориликча қолмоқда. Республиканинг айрим ҳудудлари ХИК ташқи савдосида салбий балансига эга. Навоий, Тошкент, Бухоро ва Фарғона вилоятлар ижобий ташқи савдо баланси билан чиққан.

1.10-жадвал. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар импортнинг товар таркиби

	2002		2003		02-IV*		03-IV*		2003 й. 2002 й-га нисба- тан, %	03-IV 02-IV га нисба- тан, , %
	млн, долл	%	млн, до л л	%	млн. доля	%	млн. долл	%		
Жами	704,76	100	858,41	100	138,07	100	253,81	100	121,8	183,8
Озиқ-овқат	105,37	15,0	129,21	15,1	26,01	18,8	39,44	15,5	122,6	151,6
Кимё саноати маҳсулотлари	93,24	13,2	106,84	12,5	20,32	14,7	31,26	12,3	114,6	153,9
Энергетика ва ёқилги маҳсулотлари	4,12	0,6	3,81	0,4	0,63	0,5	1,04	0,4	92,5	166,6

Қора ва рангли металлар	31,16	4,4	46,68	5,4	6,37	4,6	12,69	5,0	149,8	199,3
Машина ва ускуналар	405,14	57,5	475,55	55., 4	68,19	49,4	141,76	55,9	117,4	207,9
Хизматлар	7,75	1,1	23,45	2,7	3,08	2,2	8,79	3,5	302,3	285,7
Бошқа	57,98	8,2	72,88	8,5	13,48	9,8	18,80	7,4	125,7	139,5

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси. *Чораклик кўрсаткичлар ҳисоблаш йўли билан ЎЗР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари эсосида аниқланди.

1.11-жадвал. Ижтимоий инфратузилмани ривожланиши

Йиллар, чорак-лар	Ишга туширилди						қурилган тармоқлар	
	Турар жой минг. кв. м.	Мақтаб-лар ўқувчи ўринлари	Академик лицейлар ўқувчи ўринлари	Касб хунар коллежд-лари ўқувчи ўринлари	Касалхо-налар жойлар	Поликлини-каларга ташриф буюрувчи-лар сони	Сув кувур-лари, км	Газ кувур-лари, км
02-I	1116,5	352	600	7050	-	200	303,5	511,2
02-I-II	3783,7	5243	1200	9950	80	2905	1044,5	1730,2
02-I-III	6178,1	11674	2250	59155	80	9940	1521,4	2994,0
02-I-IV	7572,0	18932	5175	86610	300	16845	1960,6	3380,2
03-I	1131,4	1430	-	-	-	340	282,2	506,1
03-I-II	3436,3	4553	-	12600	160	8260	1352,4	2090,8
03-I-III	5466,4	1172	2725	62660	160	8260	1352,4	2090,8
03-I-IV	6739,7	22127	4375	94190	160	15460	1747,5	2982,9

Манба: ЎЗР Давлат статистика қўмитаси

Коммуникация алоқалари соҳасида республика ичида ва ташқарисида тезкор ва ишончли телефон алоқасини таъмин этувчи тизим кенгайтирилди. Республика шаҳарлари телекоммуникация-лаштириш рақамли тизимлар билан таъминланиш даражаси 86% ошиб кетди. 2003 йилда халқаро тизимга кенг миқёсда қўшилиш орқали ахборот хизмат кўрсатиш даражасини ошириш йўналишида интернетда фойдаланувчилар сони икки мартага кўпайди.

Барча вилоят марказларида тез тиббий ёрдам республика илмий Марказинин шаҳобчалари ташкил қилинди ва 171 та туманда тез тиббий ёрдам бўлинмалари фаолият юритмоқда, сақлаш вазирлигининг рухсатномалар бериш комиссияси томонидан тиббий фаолиятни амалга ошириш учун нодавлат юридик шахсларга 231 та ва жисмоний шахсларга 208 та рухсатномалар берилган. 1998 йилдан 2003 йилга қадар 807та нодавлат юридик шахсларга ва 1549 та жисмоний шахсларга шу каби рухсатномалар берилган.

Сайёҳлик тармоғини ривожланиши ҳисобига уни пуллик хизматлардаги улуши ортиб бормоқда. Сайёҳлик тизимида 2003 йилда асосан уч йўналиш бўйича ишлар олиб борилди: халқаро сайёҳликнинг замонавий инфратузилмасини яратиш, мазкур соҳада хусусий бизнесни ривожлантириш, "Ўзбектуризм" Миллий компаниясини (МК) таркибий қайта тузиш. "Ўзбектуризм" (МК)дан ташқари республикада 300 га яқин сайёҳлик фирмалари, 20 та ҳиссадорлик жамиятлари, 2 та қўшма корхоналар, хусусий сайёҳлик фирмалари уюшмаси, 13 та хусусий меҳмонхоналар фаолият юритиб келмоқда. Сайёҳлик корхоналари томонидан 2003 йилда учдан бир қисми хорижий сайёҳлар бўлган 7 млн. дан зиёд сайёҳларга хизмат кўрсатилди. Сайёҳликлар таркибида хусусий бизнес улуши 30,6% ва сайёҳликдаги экспорт хизматлари ҳажми 60,7% ташкил қилди.

1.4 Корхоналарни ривожлантиришда хорижий сармоялар учун яратилган имтиёз ва кафолатлар

Ҳозирги кунда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни (ХИК) очиш ҳамда уларни рағбатлантиришнинг мукамал механизми ишлаб чиқилган бўлиб, амалиётга татбиқ этиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Амалдаги қонунчиликка асосан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга низом жамғармаси 150 минг амер.долларига тенг суммадан кам бўлмаслиги ва корхона иштирокчиларидан бири, албатта, хорижий ҳуқуқий шахс бўлган ҳамда хорижий сармоялар улуши корхона низом жамғармасининг камида 30 фоизини ташкил этиши лозимлиги белгиланган. Бундай корхоналар Адлия вазирлиги ҳамда унинг бошқармаларидан рўйхатдан ўтади.

Янги ташкил этилаётган корхоналар мазкур шартномаларга жавоб бермаган тақдирда ХИК жумласига кирмайди ҳамда корхона жойлашган ҳудуддаги шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузуридаги рўйхатга олиш инспекциялари томонидан умумий қоидалар асосида рўйхатга олинади.

ХИКни шартли равишда қуйидаги 3 гуруҳга бўлишимиз мумкин:

- хорижий сармоялар иштирокидаги ишлаб чиқариш корхоналари;
- хорижий сармоялар иштирокидаги хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар;
- хорижий сармоялар иштирокидаги информацион технологиялар тараққиётини таъминловчи корхоналар.

Низом жарғармасидаги хорижий сармоя улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналари фойдадан олинанинг солиқни низом жамғармасининг катталигига қараб қуйидаги миқдорларда:

300 минг амер.долларидан 1 млн долларгача тенг бўлган суммадан – 20 %;

-1 млн амер.долларига тенг ва ундан кўпроқ бўлган суммадан – 16 фоиз миқдорида солиқ тўлайдилар.

Халқаро молия корпорациясини кичик бизнес корхоналарини тараққиёти жараёнини таҳлили

Кичик бизнес (КБ) бутун иқтисодиёт самарадорлигини оширишга салмақли таъсир ўтказа оладиган ва ўтказиши керак бўлган локомативдир. Мамлакатда бу соҳани ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий тараққиётга ҳам қудратли туртки беришга ҳеч ким шубҳаланмаса керак. Кичик бизнес аҳолининг жуда кенг қатламлари учун даромад манбаи ҳам, малакаси унчалик юқори бўлмаган одам учун меҳнат бозори ҳам, тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантиришнинг ўзига хос мактаби ҳам, ўрта синфни шакллантириш учун кенг имкониятли база ҳам ҳисоблананди.

Тадбиркорларнинг учдан бир қисмидан то деярли учдан икки қисмигача 2000-2001 йилларда кичик бизнес фаолиятини яхшилаш учун тасдиқланган янги низомлар билан таниш бўлмаган.

Ўзбекистон ҳукумати мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири бўлган кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган иқтисодий сиёсатни аллақачон белгилаб олди ва бир неча йилдан буён бу соҳани раванқ топтириш учун қулай шарт-шароит яратиб бериш борасида барча чора-тадбирларни кўрмоқда. Шундай бўлишига қарамай, иқтисодиёти ўтиш даврини бошидан кечираётган бошқа мамлакатлардаги сингари Ўзбекистонда ҳам кичик бизнес фаолиятига ҳамон тўсқинлик қилаётган қатор қануний ва маъмурий ғовлар мавжуд.

Ана шу муаммоларни аниқлаш ниҳоятда зарур эканлигини эътиборга олиб, Халқаро молия корпорацияси (ХМК) Ўзбекистон ҳукуматининг кўмагида савол-жавоб шаклидаги мустақил тадқиқотларни ўтказди. Мазкур тадқиқот доирасида 2002 йил март ойида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ва пойтахт шаҳрида кичик бизнес корхоналари вакилларида иборат 1500 нафар хусусий тадбиркор сўраб чиқилди. КБ субъектларининг ҳар бири 144 та саволга жавоб берди, уларнинг пировард вазифаси респондентлар томонидан кичик бизнес субъектларининг қарор топиши,

ўсиши ва фаолият юритиши йўлида асосий маъмурий ғовларнинг ва қонунлардаги тўсиқларнинг қандай баҳоланишини билиш эди.

Тадбиркорлар ўзлари ишлаётган муҳитни қандай қандай тасаввур қилаётганликлари тўғрисидаги айрим хулосаларга қисқача тўхталишдан аввал, ўрганилаётган деярли барча асосий масалаларни таҳлил қилиш чоғида намоён бўлган 2 та омилни таъкидлаб ўтиш лозим. Аввало бу кичик бизнес субъектларининг ҳуқуқий жиҳатдан саводи паст даражада эканлигидир. Масалан, сўраб чиқилган тадбиркорларнинг учдан бир қисмидан то деярли учдан икки қисмигача 2000-2001 йилларда кичик бизнес фаолиятини яхшилаш учун тасдиқланган янги низомлар билан таниш бўлмаган. Бундан ташқари, сўров қатнашчиларининг аксарияти кичик бизнес субъектларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар тўғрисидаги ўз билимлари паст даражада эканини, шунингдек, тадбиркорлар фаолиятини амалга оширишда ўз ҳуқуқлари ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслигини эътироф этган. Компаниянинг ҳажми қанчалик кичик бўлса, мазкур муаммо ҳам шу қадар катта. Чунончи, агар кичик бизнес субъектлари ўртасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш чоғидаги ҳуқуқларга доир маълумотга эга эмаслигини сўров қатнашчиларининг 50 фоизидан ортиғи эътироф этган бўлса, яқка тартибдаги тадбиркорлар бўйича бу рақам 70 фоиздан ортиқдир.

Иккинчи омил шундан иборатки, солиқ солиш даражасидан тортиб, ўтказиладиган текширувлар даврийлигини кўпчилик саволлар бўйича катта минтақавий тафовутлар мавжуд. Бу маҳаллий ҳокимият идораларининг тадбиркорлик муҳитига таъсири катта эканлигидан далолат беради. Айни пайтда барча жиҳатлар бўйича бошқалардан яхшироқ ёки ёмонроқ соҳалар бор, деб бўлмайди. Сўров қатнашчиларининг салкам 25 фоизи маҳаллий маъмурлар бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиб, тадбиркорлар учун баб-баравар имкониятлар яратишмоқда, деган мулоҳазаларни тўғри деб ҳисоблашмоқда.

Тадқиқотлар натижаларига кўрсатишича, кичик бизнес субъектларининг атиги 1 фоизи экспорт-импорт операцияларини амалга

ошираётганини таъкидлаб ўтиш зарур. Буни сабабларидан бири валюта тушумининг 50 %ни мажбурий сотишни, импорт-экспорт операцияларини тартибга солувчи қонунлардаги ноаниқликларни, айрим ҳолларда қарама-қаршилиқлар ва бошқарларни айтиб ўтиш мумкин.

Мавжуд солиқ қончилигида кичик бизнес субъектларига турли имтиёзлар берилганига қарамай, сўров қатнашчилари бир овоздан солиқлар ҳаддан зиёд катта (ўрта ҳисобда ялпи тушумнинг 23 фоизи), деб ҳисобламоқдалар. Бунинг устига турли минтакаларда солиқлар юки жуда катта фарқ қилиши аниқланган (мазкур солиқлар 13 фоиздан 33 фоизгача ўзгариб туради). Бу эса солиққа тортишнинг мавжуд тизими тадбиркорлар томонидан кичик бизнесни ривожлантиришдаги жиддий ғовлардан биридир, ҳулоса чиқиши баробарида даромадларнинг яширилишига ҳам олиб келмоқда. Сўров қатнашчиларининг 20 фоизи ўз фирмалари сингари компаниялари даромадларининг қарийб 30 фоизини яширишади, деб таъкидламоқда.

Тадбиркорлар текширувларни камайиб бараётганини таъкидламоқдалар, лекин шунга қарамай йилига ўрта ҳисобда деярли 14 иш кунини банд қилувчи 5-6 тадан текширув ўтказмоқда. Ҳукуматнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, кичик бизнес субъектлари таъкидлашича, текшириладиган корхоналарни танлаб олиш тартиби ва тамойиллари бирон-бир мантиққа тўқри келмайди.

Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турлари камайиб бораётганлигини ҳам кузатилмоқда. Бундай фаолият турлари сони кейинги вақтда 96 тадан 70 тагача тушиб қолган. Шу билан бирга, ана шу жарёнларни тартибга солувчи қонунлар турли хил маънога эга эканлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Масалан, мавжуд қоидаларга кўра лицензияларга лицензияни 5 йилгача муддатда бериш мумкин бўлган бир пайтда уларнинг аксарияти 1 йилгина амал қилади.

Рўйхатдан ўтказиш тартиби жуда соддалаштирилганлиги ва «бир туйнукда» рўйхатдан ўтказиш усули жорий этилганлигига қарамай, турли

рухсатномаларни олишга ва кимлар биландир келишишга мажбур бўлмоқдалар. Сўров қатнашчиларининг 85 фоиздан ортиғи рухсатнома олиш жараёнида турли қийинчиликларга дуч келган.

Савол-жавоб қатнашчиларининг кўпчилиги банклар билан ишлашда катта тўсиқларга дуч келаётганини таъкидлаган. Нақд пул олиш, банк хизматчиларининг қоғозбозлиги ва банкларда нақд пул етишмовчилиги каби қийинчиликлардан ташқари тадбиркорларнинг ҳаммаси ҳам банкларни самарали молиявий воситачи, деб ҳисобламаяпти. Тадбиркорлардан кўпчилиги молиялашга ўткир эҳтиёж сезаётган бўлса-да, кичик бизнесни кредитлашнинг имтиёзли схемалари мавжудлигига қарамай, банкларга муружат қилмайди. Банк тизими билан кичик бизнес сектори ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда аниқланган асосий муаммолардан бири шундан иборатки, банклар касса режасини бажариш, текширувлар ўтказиш, статистик маълумотларни тўплаш ва солиқ агенти вазифасини бажариш молия тошкilotларига хос бўлмаган ишлар билан шуғулланаяпти.

Сўров доирасида маъмурий тўсиқлардан ташқари, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг айрим бошқа қизиқарли жиҳатлари ҳам, масалан, ахборот технологияларидан фойдаланишга ижозат ҳамда таълимга оид ва маслаҳат хизматларига талаб каби масалалар ҳам кўриб чиқилган.

ХМК томонидан аниқланган муаммолар Ўзбекистон ҳукумати томонидан маъқулланган. Ҳукумат мазкур тадқиқотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ барча тузилмалар фаолиятини кучайтиришга кўмаклашади ва мавжуд муаммоларни амалий жиҳатдан ҳал этиш имконини беради, деб ҳисобламоқда. ХМК ҳукуматнинг маъмурий ва бошқа тўсиқларни бартараф қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларини маъқуллайди. Ушбу саъй-ҳаракатлар мамлакатда бозор ислоҳотларини амалга оширишга жўшқинлик касб этиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун, демакки, давлат ва жамиятни раванқ топтириш учун қулай муҳитни вужудга келтиради.

1.5. Корхоналарни стратегик бошқарув назарияси

Стратегик бошқарув менежмент корхонанинг истиқбол мақсади ва имкониятини ходимлар манфаати билан уйғунлаштиришни назарда тутувчи узок муддатли бошқарув усулидир. Бошқача қилиб айтганда, стратегик бошқарув стратегик мақсадни амалга оширишга йўналтирилган бошқарув фаолиятидир. Стратегик бошқарув усулининг пайдо бўлиши ва амалиётга қўлланилиш зарурияти объектив сабаблар билан боғлиқ бўлиб, бунда энг аввало, корхонага таъсир қилувчи ташқи муҳитнинг ўзгарувчанлиги муҳим ўрин тутди. Бу усулнинг ривожланиши бир неча босқични ўз ичига олади.

Ижронинг назорат қилиш асосида бошқариш усули. Бу босқичда корхонада ўзгаришларга нисбатан акс таъсир воқеа содир бўлгандан сўнг юзага келади. Бу реактив мослашув бўлиб, замон билан бирга кадам ташламайдиган раҳбарларга хос. Аммо тез суръат билан содир бўладиган ўзгаришлар шароитида бундай усул ҳеч ҳам қўл келмайди.

Экстрополия асосида бошқариш усули. Бунда ўзгариш суръати тезлашади. Аммо истиқболни фақат ўтган давр ўзгаришлари тенденциясига асосланиб экстрополия қилиш йўли билан белгилаш мумкин. Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида бу усул ҳам унчалик қўл келмайди. Чунки бозор иқтисодиётни келажакни ўрганишни, олдиндан бозорни ўрганиб, кейин маҳсулот ишлаб чиқаришни талаб этади.

Ўзгаришларни олдиндан башорат қилиш асосида бошқариш усули. Бу усул ўзгаришлар суръати тезлашиб, кутилмаган ҳодиса содир бўлишини назарда тутиб ишлаб чиқилган стратегияни белгилаш ёрдамида амалга оширилади. Бу бозор иқтисодиётига мос бошқариш усули бўлиб, ишлаб чиқаришни маркетинг асосида ташкил этишни талаб этади.

Шошилинич ихчам қарорларини қабул қилиш асосида бошқариш усули. Бундай усул бозор талабларига жавобан корхона фаолиятини тезкорлик билан ўзлаштириш лозим бўлган ҳолларда қўлланилади. Бугун бозор

муносабатлари барча соҳаларга шиддат билан кириб келаяпти. Бундай шароитда турли-туман вазифалар фавқулотда пайдо бўлиши табиий. Улар фақат узокни кўзламаган ҳолда режалаштирилади ва бошқариш амалга оширилади. Бу усул, айниқса корхона муайян инқирозга учраганда айрим муаммоларга дуч келганда қўл келади.

Стратегик менежмент қўлланганда асосан истиқбол режасига аҳамият бериш керак. Унинг жуда муҳим ва зарурлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- корхонанинг аниқ мақсадини белгилашга ва шакллантиришга имкон беради;
- корхонанинг ташқи муҳитига мослашишга ёрдам беради;
- самарали бошқариш таркиби ва тизимини яратишга имкон яратади;
- корхона таркибидаги барча бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштиришга шароит туғдиради;
- корхонанинг барча ресурсларини, яъни ишчи кучи, айланма маблағ ва асосий фондларнинг самарали тақсимотини таъминлайди ва ҳоказо. Корхона мақсади ва вазифаларини амалга ошириш юзасидан батафсил, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқарган режа стратегик

1.6 АЖ ларнинг умумий мажлиси, кузатув кенгаши ва бошқарув раисларининг ҳуқуқий мақомлари

Кузатув кенгаши (КК) таҳлилларга асосан акциядорларнинг умумий мажлисида тасдиқланиши лозим бўлган қуйидаги икки қарордан бирини қабул қилади:

- жамият директори (бошқарув раиси)нинг ишини қониқарли деб топади ва кейинги йил учун ишга ёллаш шартномасини узайтириш тўғрисида қарор қабул қилади;

- жамият директори (бошқарув раиси)нинг ишини қониқарсиз деб топади ва ишга ёллаш шартномасини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул

қилади. Бундай ҳолатда КК акциядорлар билан рарурий маслаҳатлар ўтказиб раисликка номзодларни аниқлайди.

Ижроия орган ҳисоботи танқидий руҳда ёзилиб, унда қуйидаги масалалар ёритилиши лозим:

- ҳисобот йили давомида корxonани бошқариш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иқтисодий кўрсаткичлар ва молиявий натижалар;
- иқтисодий-молиявий кўрсаткичларнинг камайишига олиб келган сабаблар;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаш мажлиси қарорларининг бажарилиши;
- жамиятни бошқариш бўйича кузатув кенгаши ва давлат ишончли вакили (ваколатли бошқарувчи) фаолиятига баҳо бериш ва бошқа муҳим саволлар.

Акциядорларнинг умумий мажлиси бошқарув раисини фаолиятини қониқарсиз деб топса, у билан шартномани бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилиб, янги раисни сайлайди.

Низом фонди эълон қилинган акциялаар ҳисобига оширилганда АЖ кўшимча акцияларни чиқариш ҳамда қарор қабул қилади. Бунда жамиятларнинг низом фондида давлат улуши бўлса, бу масала ДМҚ билан олиндан келишилади.

1.7 Ривожланган хориж мамлакатлари иқтисодиёти менежментининг таҳлили

Мазкур қисмда чет элда давлат мулки ва хусусий мулкни бошқариш тажрибасини кўриб чиқамиз. Макродаражада давлат мулкни бошқариш хусусиятига кўра Япония, Америка ва ғарбий Европа моделларини ажратиш мумкин.

Японияда давлат корxonалари учта асосий хилга бўлинади: ҳукумат ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги маълум бир идорага

карашли ва ушбу идора бошлиғи томонидан бошқариладиган идоравий корхоналар; жамоат корпорациялари - ҳукумат ёки маҳаллий органлар маблағлари ҳисобидан ташкил этилган ва юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар, уларни бошқариш ёлланма менежерлар томонидан амалга оширилади; акциядорлик жамияти ёки масъулияти чекланган ширкат шаклида ташкил этилган, давлатга фақат унинг акциядорлик сармоясидаги улушига мос равишда қисман тегишли бўлган аралаш корхоналар.

Идоравий корхоналар марказий ҳукуматнинг департаментлари ёки бўлимларига тегишли бўлиб, улар махсус бюджет ҳисоб рақамлари – Японияда тарихан юзага келган давлат корхоналари операцияларини молиялаш тизими асосида фаолият кўрсатади. Улар давлат бюджетининг асосий ҳисобрақамига қўшимча сифатида иштирок этишади, унинг функцияси давлат аппаратини молиялашдан иборат.

Жамоат корпорациялари ва аралаш компаниялар Японияда "алоҳида юридик шахс" тушунчаси билан бирлаштирилади. Уларнинг сони жами 99 та бўлиб, шундан 3 таси давлат компаниялари, 13 таси давлат корпорациялари, 19 таси ижроия корпорациялари, 9 таси давлат молиявий корпорациялари, 4 таси банк, 1 таси савдо корпорацияси, 10 таси алоҳида компания, 42 таси - бошқа "алоҳида юридик шахслар". Бундан ташқари, "санкцияланган юридик шахслар" - ҳукуматнинг кўмаги билан идоралар томонидан ташкил этилган, лекин ўз хусусиятига кўра хусусий мустақил корпорация ҳисобланган корхоналар ҳам мавжуд. Бунда ҳукумат идоралари ушбу корпорацияларда қарорлар қабул қилиш жараёнига аралаштириш ҳуқуқига эга. Бевосита давлат мулкнинг предмети бўлмаган бундай корхоналар ўз мавқега кўра тўғридан-тўғри тартибга солиш соҳасида фаолият кўрсатувчи корпорацияларга жуда яқин. Бундан ташқари, Японияда 39 та соф давлат корпорациялари, 17 та аралаш ва 1 та алоҳида турдаги корпорация мавжуд, у фақат уставига кўра "алоҳида юридик шахс" бўлиб қолган. Японияда давлат корхоналари жамоат назоратининг объекти ҳисобланади. Идоравий корхоналар фаолиятини парламент назорат қилади. Бюджетлар, режалар ва молиявий ҳисоботларни

назорат қилиш ва тасдиқлашда, парламентдан ташқари, Молия вазирлиги ҳам иштирок этади. Товарлар ва хизматлар нархининг ўзгаришига фақат Иқтисодий режалаштириш бошқармасининг розилиги билан йўл қўйилади; Молиявий-тафтиш палатаси ва бош вазир девонхонаси ҳузуридаги умумий ишларни бошқариш Маъмурий-инспекция департаменти идоравий корхоналарнинг жорий фаолиятини назорат қилади. Жамоат корпорациялари ҳам ҳукумат ва тегишли вазирликлар томонидан назорат қилинади. Бирок фарқи шундан иборатки, маъмурий тартибга солиш соҳасида бу ерда идоравий корхоналарникига қараганда кам, менежерлар эса қарорлар қабул қилишда мустақилликка эга. Собиқ давлат компаниялари - "Кокутэцу", "Самбай", Япония ривожланиш банки, Экспорт-импорт банки, давлат молиявий корпорациялари бундан мустасно.

Аралаш корхоналар идоралар томонидан кам назорат қилинади ва бошқарилади. Ўзининг ташкилий шаклига кўра акциядорлик компанияси ёки масъулияти чекланган ширкат бўлган ушбу корхоналар худди хусусий компаниялар каби тижорат ва фуқаролик кодекслари асосида фаолият кўрсатади. Ўз навбатида улар бўйича молиявий ҳисоботлар хусусий секторга мўлжалланган меъёрлар бўйича амалга оширилади. Парламент уларнинг фаолиятини тартибга солиш ҳуқуқига эга эмас, лекин назорат қилишга ҳақли. Давлат корхоналарини бошқариш Японияда иккита йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналиш бўйича хўжалик фаолиятининг тури, корхонанинг ташкилий шакли, хизматчиларни тайинлаш ва бўшатиш, балан бюджетларини тузиш, молиявий мажбуриятларни чиқариш, ссуда маблағларини жалб қилиш, бўш турган маблағлардан фойдаланиш ва бошқалар давлат томонидан регламентланади. Иккинчи йўналиш тадбиркорлик фаолияти тўғрисидаги қонунлар асосида амалга оширилиб, у корхоналарни ташкил қилиш ва тугатиш, нархлар ва сотувлар ҳажмини белгилаш, фирмаларнинг бирлашиши, инвестицион фаолият, молиявий ҳисоботларни юритиш шакллариининг регламентланишини ўз ичга олади.

АҚШда давлат корхоналарини бошқаришни тегишли вазирликлар ёки Конгресс қарорига кўра ташкил этиладиган доимий равишда фаолият кўрсатувчи махсус комиссиялар амалга оширади. Масалан, энергетика сектори корхоналари қишлоқ ҳудудларини электрлаш маъмурияти, Теннесси водийси бошқармаси, табиий ресурсларни ўзлаштириш бюроси ва ҳ.к.лар томонидан бошқарилади. Атом саноати давлат корхоналари - Атом энергияси бўйича Федерал комиссияга, қазиб олиш саноати корхоналари - АҚШ шахталар бюросига бўйсунди ва ҳ.к.

Давлат секторини бошқаришнинг америкача моделининг ўзига хос хусусияти АҚШ давлат корхоналарининг хусусий корпорацияларга тезкор бошқариш ва эксплуатация қилиш учун топширилиши ҳисобланади. Асосий сармоядан ташқари давлат ўз бошқарувчисига айланма маблағларни ҳам топширилиши мумкин. Мулкдор сифатида давлат унинг маҳсулоти сотилиши ҳақида қайғуради ва тегишли бюртмалар билан таъминлайди. Давлат сектори мамлакат халқ хўжалигининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у бозор тамойиллари асосида ривожланади. Ушбу сектор асосий маҳсулот ва хизмат турларининг ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси ҳамда бозор муносабатларининг фаол тартибга солувчиси ҳисобланади. Давлат ўз мулкдан нархлар, иш ҳақи сиёсатини ўтказиш воситаси, молиявий муносабатлар, монополияга қарши тадбирларнинг тартибга солувчиси сифатида фойдаланади.

Италияда давлат мулкни бошқариш таркиби ўзига хос алоҳида хусусиятларга эга. Давлат мулк вазрлиги тасарруфида учта йрик давлат компанияси мавжуд - ИРИ (Саноат реконструкцияси институти), ЭНИ (Суюк ёнилғимиллий бошқармаси) ва ЭФИМ (Акциядорлик штироклари ва ишлов берувчи саноатни молиялаш бошқармаси) - улар давлат молиявий холдинглари томонидан бошқарилади. Ушбу компанияларнинг сармояси давлат бюджети маблағлари, облигациялар эмиссияси, банк кредити, уларга бўйсунувчи давлат компаниялари фойдасидан ажратмалардан ташкил топган.

ИРИ металлургияни, электроникани, банк ишини, кемасозликни, телефон алоқаларини, машинасозликни назорат қилади. ЭНИ нефт ва газ саноатини, шу жумладан нефт ва газ конларини қидириб топиш, уларни казиб олиш, траспортировка қилиш, тақсимлаш, қайта ишлаш ва маркетинг устидан назорат қилади. ЭФИМ машиасозлик ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги компанияларни бошқаради. Давлат холдинглари давлат томонидан холдинг тизим таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар олдига қўйиладиган вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Ўзбекистонда макроиктисодиёт тармоқлари асосан хусусий бўлиб қолди, тармоқ корхоналари уюшмалар, холдинглар ва агентликлар томонидан тартибга солинади. Республикада 10 дан ортиқ иқтисодий соҳа ва 50 дан ортиқ тармоқ мавжуд. Ҳар бир тармоқ мулкчиликнинг турли шаклларидаги 20 дан то бир неча юзлаб корхоналарни ўзига бирлаштиради. Бизнесни ташкил қилиш шакллари бўйича Ўзбекистон саноат корхоналари учга бўлинади: хусусий корхоналар; масъулияти чекланган жамиятлар (МЧЖ); акциядорлик жамиятлари (АЖ). АЖ давлат улушига эга бўлиши, давлат улушисиз ва қўшма корхоналар бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда 2000 йил 1 январ ҳолатига кўра мулкчиликнинг давлат шаклига эга бўлган 18,6 мингта корхона ва ташкилотлар мавжуд бўлиб, бу уларни умумий сонининг 10,4 фоизини ташкил қилади. Бундан ташқари, давлат АЖ акциялари ва ҚК, МЧЖ ва ҚМЖ устав фондидаги улушларнинг эгаси сифатида кўп миллиардли активларга ҳам эгалик қилади. 2000 йил 1 апрел ҳолатига кўра республикада 2985 та АЖ ташкил этилган бўлиб, уларнинг устав фондида акциялар давлат улуши иштирок этади. Ҳозирги вақтда ушбу АЖнинг ЯИМдаги улуши статистик бюллетенда аниқ кўрсатилмаган.

Таққослаш учун АҚШ фирмаларининг фойда олишга йўналтирилган учта асосий хилини кўриб чиқамиз: бир шахс эгалик қиладиган компания, ҳамкорлик, масъулияти чекланган ҳамкорлик ва корпорация.

Бир шахс эгалик қиладиган компания - бу бир шахсга тегишли бўлган фирма бўлиб, у фирмани бир ўзи бошқаради, барча фойдани ўзи олади ва фирманинг барча мажбуриятлари бўйча шахсан ўзи жавоб беради. Бундай компаниялар жуда кенг тарқалган. Улар асосан қурилиш индустрияси ҳамда чакана савдо соҳасига хос унчалик катта бўлмаган компаниялардир. Бир шахс эгалик қиладиган саноат компаниялари федерал ҳукуматга солиқ тўлаб, фойда келтирувчи барча фирмаларнинг 70 фоизидан кўпини ташкил қилади. Лекин бу фойда унчалик катта эмас, умумий тушумларнинг бор-йўғи 7 фоизга тенг. Шунини таъкидлаш лозимки катта миқдордаги қишлоқ хўжалиги фирмалари худди шу йўсинда ташкил этилган, лекин улар статистикага киритилмаган.

Ҳамкорлик - бу икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг бирлашувидир. Ҳамкорлик - бизнесни ташкил қилишнинг энг кам тарқалган шакли ҳисобланади, у компаниялар умумий сонинг фақатгина 7 фоизини ташкил қилади. Уларнинг улуши америка бизнесидаги барча пул тушумлари ва даромадларнинг 4 фоизидан камини ташкил қилади. Ҳамкорлик бизнесни ташкил қилиш шакли сифатида кўпроқ юриспруденция, тиббиёт ва бухгалтерия соҳасида тарқалган. Мазкур соҳаларда федерал қонунлар бир касб вакилларида иборат йирик корпорацияларнинг ташкил қилинишини чегаралаб қўйган.

Масъулияти чекланган ҳамкорлик. Айрим мақсадлар - масалан, кўчмас мулк олди-сотдиси учун - ҳамкорликнинг алоҳида тури, яъни масъулияти чекланган ҳамкорлик ташкил этилади, бу юқорида қайд этилган ноқулайликларни четлаб ўтиш имконини беради. Масъулияти чекланган ҳамкорлик фирма ишини ташкил қилишга жавоб берувчи ва оддий ҳамкорлик эгалариники каби мақомга эга бўлган бир неча ҳамкорларни ўз ичига олади.

Корпорация - бу корхона ташкил қилишнинг учинчи асосий шаклидир. Корпорация юридик иқтисодий объект сифатида ташкил этилган бўлиб, унда мулк иккита улушга бўлинган. Корпорация катта фирмаларни

ташкил қилишнинг асосий шакли ҳисобланади. Америкадаги барча компанияларнинг 20 фоизидан камроғини корпорациялар ташкил қилади, лекин улар улушига барча пул тушумларининг қарийиб 90 фоизи тўғри келади. Бироқ кичик корпорациялар ҳам мавжуд. Улар умумий сонининг тўртдан бир қисми йилига 25 минг доллардан кам даромад беради.

Ўзбекистонда бизнесни ташкил этиш бўйича корхоналар сонининг улуши ва ЯИМда корхоналарнинг улушининг ҳозирги аҳволи АҚШдаги 80-йиллар ҳолатига яқин. Ҳозирги вақтда республика учун йирик корхоналарни ташкил этиш фойда келтирмайди, чунки агар улар банкротликка учрашса, бундай ҳолатдан чиқиб кетиш қийин бўлади. Яхшиси кичик ва ўрта корхоналарни ташкил этган маъқул, акциялаштириш чоғида ҳам буни инобатга олиш керак.

АЖ ёки корпорацияни бошқариш қуйидаги усулларда амалга оширилади: рақобат муҳитини яратиш, қонунчилик, солиқ сиёсати ва акциядорларнинг тўғридан-тўғри ҳатти-ҳаракатлари. Ўзбекистон турли тадбирларни олиб бормоқда, ушбу усуллар саноати ривожланган мамлакатлар хос бўлиб, бизда маҳаллий шароитларни инобатга олган ҳолда такомиллаштирилмоқда.

Саноати ривожланган мамлакатларда давлат корхоналари ва корпорациялар етакчи ролни, бир шахс эгалик қиладиган фирмалар белгилаб берувчи ролни ўйнайди. Бизда ҳам давлат корхоналари ва акциядорлик корхоналари етакчи ролни, МЧЖ ва хусусий корхоналар эса белгилаб берувчи ролни ўйнай бошлади. Олдимизда мулкчиликнинг ушбу кўзда тутилган шаклларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлари ишининг самарадорлигини ошириш вазифаси турибди.

1.8 Акционерлик ва маъсулияти чекланган жамиятларнинг ташкилий бошқарув шакллари

Қонунда белгиланган тадбиркорлик шаклларининг ўзига хос хусусияти бўлиб иқтисодий фаолият юргизишда меҳнатни ташкил қилишга, якка тартибда, ёлланма меҳнатни жалб этиш асосида, бир гуруҳ бўлиб ёки ҳамкорликда тадбиркорлик шакллари ўз ичига қамраб олади.

Тадбиркорлик шаклини якка тартибдаги фаолият асосида амалга ошириш деганда, мулкчилик субъектининг ўзи мустақил тарзда иқтисодий фаолиятнинг у ёки бу тури бўйича тадбиркорлик билан шуғулланиш тушунилади.

Бу шаклда тадбиркорликни амалга оширишда субъект сифатида фақат фуқаролар қатнашади. Фуқароларнинг якка тартибдаги меҳнатига асосланган тадбиркорлик шакли ҳам энг кўп қўлланишлиги учун уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш айниқса муҳимдир.


Якка тартибдаги меҳнат фаолияти хусусий тадбиркорлик шаклларида бири бўлиб, фуқаролар бундай фаолият билан юридик шахс мақомини олмасдан шуғулланадилар. Бундай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун туман, шаҳар ва шаҳарлардаги туман ҳокимиятлари томонидан рухсатнома берилади.

Кичик корхоналар орасида қўшма корхоналар алоҳида ўрин топади. Қўшма корхоналар бу икки ёки ундан ортиқ юридик шахс, яъни корхоналар мулкни қўшиш йўли билан ташкил қилинган корхоналардир. Бу корхоналар мамлакатимизга илғор хорижий технология, бошқарув тажрибаси ва қўшма молиявий ресурсларни олиб киради ва экспортни кучайтириш имконини беради.

Қўшма корхоналар чекланган жавобгарликка эга бўлган жамият (маъсулияти чекланган жамият – МЧЖ), ҳиссадорлик жамияти ҳамда қонун томонидан чекланмаган бошқа шаклларда, сони чекланмаган, аммо

иккитадан кам бўлмаган шериклар ўртасида тузилган шартнома асосида бунёд этилади, қўшма корхона таъсисчилари ҳар иккала томондан ҳам юридик ёки жисмоний шахс бўлиши мумкин.

Қўшма корхона хўжалик юритиш субъекти ҳисобланади ва фаолияти даромад олишга йўналтирилган бўлиб қайси мамлакат ҳудудида ташкил этилган бўлса, ўша мамлакат қонунлари асосида фаолият кўрсатади ва солиқ тўлайди.



1.7 – расм. Акционерлик жамиятларнинг ташкилий тузилиши.

Ҳиссадорлик (акционерлик) жамияти – бу жисмоний шахслар капиталларнинг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан бунёд этилади. Акциялар фонд биржаларида муомалада бўлади – бир шахсдан

иккинчисига эркин ўтади ва акциядор учун унинг ҳиссаси ҳақидаги ҳужжат ҳисобланади.

Жамиятнинг омонатчи-акционерлар олдидаги мажбурияти, акция учун тўланган пул миқдори, яъни жамоат капиталига киритилган ҳиссаси билан чекланади жамият мажбурияти бўйича фақат жамиятнинг ўзи ўз мулки билан жавоб беради. У очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин.

Акционерлик жамияти – бу бизнеснинг, кўпроқ демократик шаклидир, чунки бевосита ёки обуна бўлиш йўли билан акция сотиб олиш ва корхонада мулк эгаси бўлишга исталган инсон эришиши мумкин (1.7-расм).

1.9 Иқтисодиётни реал секторда корхоналар бошқаруви муаммолари

Ўтган йиллар мобайнида иқтисодиётимизни ривожлантириш ва ислох қилиш борасида орттирган тажрибамизни таҳлил қилиб, қандай хулосалар чиқариш мумкин.

Биринчи муҳим хулоса - эски маъмурий буйруқбозлик, план тақсимот тизимидан беш тамойилга асосланган эркин, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш бўйича танлаган моделimiz тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

Иқтисодиётимизни эркинлаштиришга қаратилган сиёсати, Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос шароитида эркин иқтисодиёт ва тадбиркорлик фаолиятининг асосий тамойилларига изчил амал қилиш, ҳеч шубҳасиз, ўз самарасини бермоқда.

Иккинчи муҳим хулоса - иқтисодиётни фақатгина хом-ашё ҳисобидан ривожлантиришга қаратилган йўналиш мутлақо хатодир.

Бундай ҳолат худдики наркотик моддага ўрганиб қолган кишининг аҳволини эслатади.

Табиий ва ер ости ресурсларининг камайиб бориши билан бир қаторда уларнинг чексиз эмаслигини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, бундай сиёсат

охир-оқибатда иқтисодиётнинг бир томонлама ривожланишига, кўп ҳолларда унинг заиф ва мўрт бўлиб қолишига олиб келади.

Бугунги кунда кескин рақобат муҳитида фаолият кўрсата оладиган ва одамларнинг фаровонлигини таъминлашга қодир бўлган иқтисодиётни барпо этиши учун авваламбор нималарга эътибор бериш керак?

Бунинг учун иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, унинг мутаносиблиги ва кўп жиҳатдан тўлақонли бўлишини таъминлаш, уни доимий равишда модернизация қилиш ва янгилаб бориш, ўз маҳсулотлари билан жаҳон иқтисодиёти ва савдо тизимида муносиб ўрин эгаллай оладиган замонавий тармоқларки жадал ривожлантириш лозим. Фақат шу тамойиллар асосида қурилган иқтисодиётгина бу талабга жавоб бера олади.

Учинчи принципиал хулоса - иқтисодиётдаги ислоҳотлар сиёсий соҳа, давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимидаги чуқур ислоҳотлар билан уйғун ҳолда амалга оширилмаса, уларнинг муваффақият қозониши қийин.

Мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёни, агар ушбу ислоҳотлар юқорида айтилган соҳаларда ягона мақсад сари қаратилган муштарак вазифа ва ғоялар билан ўзаро боғлиқ бўлмаса, муайян босқичда барча ҳаракатларимиз турли мураккаб ва оғир муаммоларга муқаррар равишда тақалиб қолади.

Айнан шунинг учун ҳам ўз олдимизга қўяётган иккита асосий принципиал мақсад - туб демократик ўзгаришлар ва эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш масаласи бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва биринчи тўлдирувчи вазифалар бўлмоғи даркор.

Тўртинчи хулоса - ислоҳотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чекланиб қолиш асло мумкин эмас.

Биз 2004 йилга мўлжалланган устивор йўналишларимизни ана шу принципиал қоидалардан келиб чиққан ҳолда аниқ белгилаб олишимиз зарур. Бу биринчи навбатда бошланган ислоҳотларни ривожлантириш, уларни мантиқий ва изчил давом эттириш демакдир.

Бу ислохотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, миллий валютамунозам мунтазам равишда мустахкамлаб бориш, хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ юкени камайтириш, четдан олиб кириладиган сармояларга кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун рағбатлантирувчи омиллар яратиш демакдир.

Маълумки 2004 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 6 фоиз ошириш кўзда тутилмоқда. Бу ўсиш суръатлари саноат, қишлоқ хўжалиги хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ҳисобидан таъминланади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантиришга асосий эътибо қаратилади.

Айниқса таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш сиёсати изчил давом этади. Бу энг аввало бюджет ва солиқ сиёсатидаги ислохотларни чуқурлаштириш билан боғлиқдир.

Маҳаллий бюджетлар родини сезиларли даражада кучайтириш бўйича тегишли чоралар кўрилади. 2004 йилда давлат бюджети харажатларида маҳаллий бюджетлар улуши 62 фоиздан кўпроқни ташкил этади.

Бу маъмурий ислохотни ўтказиш ва маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллигини кучайтириш билан узвий боғлиқдир.

1.10 Корпоратив корхоналар иқтисодиётнинг самарали бўлишига тўсқинлик қилаётган энг долзарб муаммолар

Президент тегишли фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш билан корхоналарда бошқариш тизимини такомиллаштириш ва улар самарадорлигини кескин ошириш ўта долзарб вазифага айлантириб қўйди. Гап шундаки, корхоналар даражасида ўзгаришлар жараёни секин кечаётган, бундай ҳолат иқтисодий ўсишга жиддий тўсиқ бўлиб қолган эди.

Корпоратив корхоналар иқтисодиётнинг самарали бўлишига тўсқинлик қилаётган энг долзарб муаммолар қуйидагилар:

- бу корхонани бошқариш тизимининг нобоплигида;

- корхона фаолиятида стратегиянинг йўқлиги, улар қисқа муддатли натижаларга йўналтирилишида;
- корхона раҳбарларининг бозор конъюктурасини етарлича билмасликларида;
- менежерлар ва ходимлар малакасининг пастлиги;
- ишчиларни меҳнатга ундовчи омиллар ишга солинмаётганлиги;
- дивиденд сиёсатини амалга ошириш бўйича узоқ муддатли режаларнинг мавжуд эмаслиги;
- имтиёзли акциялар бўйича тўловларга тегишли реал ҳолатларни қабул қилиш бўйича аниқ қарорларнинг мавжуд эмаслиги;
- жамиятнинг умумий иқтисодий, молиявий кўрсаткичларини тўлаш таҳлили амалга оширилмаган;
- дивиденд компаниясига бевосита туташ даврдагина дивиденд тўловлар бўйича ишлар олиб борилиши каби камчиликларни ажратиш кўрсатиш мумкин;
- АЖ да олдинги директорлик корпуси синдирилмаганлиги, яъни бошқаруви раиси ўз вазифасини эски маъмурий-буйруқбозлик ва омбор учун ишлаётганлигида;
- бошқарув раисида корхона фаолиятининг молиявий хўжалик натижалари учун жавобгарлик даражасининг пастлигидадир ва бошқалар.

Республикада корпоратив бошқарувнинг жаҳон тажрибасини ҳисобга олувчи илмий тизим ҳамда ягона ёндашув ва тамойилларнинг йўқлиги корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги самарали қўллаб -қувватлашда сунъий тўсиқлар яратади, хорижий инвестицияларнинг жалб этилишини чеклайди, оддий акционерлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келади. Айниқса, аралаш мулк шаклидаги корхоналарда давлатнинг ишончли бошқарувчилари ҳуқуқлари билан корпоратив бошқарув тамойилларининг уйғунлигини излаб топиш муаммоси ғоят долзарбдир.


Бунинг учун, айрим жиддий ўзгаришлар қилиш керак, хусусан:

- корпоратив секторни хусусийлаштиришдан кейинги даврда бошқариш ва қўллаб-қувватлашнинг миллий тизимини ишлаб чиқариш;
- давлат корхоналаридан акционер жамиятларга айланган корхоналарнинг ривожланиши муаммоларини ўрганиш;
- хусусий мулк шаклидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатиши самарадорлиги таҳлилига янги ёндошувларни ишлаб чиқариш;
- жаҳон тажрибасини ҳисобга олган ҳолда акционерлик жами-ятининг ижро органи устидан акциядорларнинг назорати самарадорлигини, уни бошқаришдаги иштирокини оширишга йўналтирилган корпоратив бошқарувнинг миллий андозалари ва тамойилларини ишлаб чиқариш лозим бўлади.

1.11 Давлат корхонасининг ташкилий бошқаруви

Давлат секторини бошқаришнинг миллий моделининг ўзига хос хусусияти давлат корхоналари директорлари давлатнинг тегишли юқори турувчи тузилма (вазирлик, компания, агентлик ва ҳакозо) лари томонидан тайинланишидадир. Ҳукумат бозор иқтисодиёти шароитида ҳарбий корхоналарни, ижтимоий инфратузилма корхоналарини ва тармоқларда рақобатни ривожлантириш учун давлат корхоналарини мавжудлини таъминлайди. Бозор иқтисодиёти шароитида давлат корхоналари умумий корхоналарни 5-10 фоиздан ошмаслиги лозим. Давлат корхоналари тезкор бошқариш ва бошорат (режа)ни энг муҳим масала ҳисобланади. Асосий сармоядан ташқари давлат ўз бошқарувчисига ҳўшимча маблағларни ҳам ёрдам тариқасида бериши мумкин. Мулкдор сифатида давлат унинг маҳсулоти сотилиши ҳақида қайғуради ва тегишли бюртмалар билан таъминлайди. Давлат сектори мамлакат иқтисодиётининг ажралмас таркибий қисми бўлиб, у бозор тамойиллари асосида ривожланади. Ушбу сектор асосий маҳсулот ва хизмат турларининг ишлаб чиқарувчиси ва етказиб берувчиси ҳамда бозор муносабатларининг фаол тартибга солувчиси ҳисобланади. Давлат ўз мулкидан нархлар, иш ҳақи сиёсатини ўтказиш

воситаси, молиявий муносабатлар, монополияга қарши тадбирларнинг тартибга солувчиси сифатида фойдаланади.



1.8 – расм. Давлат корхонасининг ташкилий бошқарув схемаси.



1.9 – расм. Давлат корхонасининг ишлаб чиқариш (хизмат) башорат (режа) схемаси.

2-боб. Республика иқтисодиётидаги корпоратив бошқариш амалиёти ва унинг тараққиёти

2.1 Корпоратив бошқарув: акционерлик жамиятларнинг ички бошқаруви

Корпоратив бошқарув - акционерлик жамиятларнинг ички бошқаруви 6-расмдаги схемада келтирилган. Жамиятдаги ва хориждаги истаган жисмоний ва ҳуқуқий шахс акционерлик корхоналарига сармоя киритиб акционер бўлиши мумкин ва бошқарувда иштирок эта олади. АЖларнинг олий бошқарув органи умумий мажлис ҳисобланади. Ижро бошқаруви раиси кузатув кенгаши раиси томонидан тайинланиб, умумий мажлисда тасдиқланиш услуби мавжуд. Бу ҳолат ҳар бир давлатнинг амалдаги қонуний-меъёрий ҳужжатлар ёрдамида аниқланади.

Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқариш тизимини такомиллаштириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

- мол-мулк ва акциялар давлат улушини бошқариш ҳуқуқини танлов асосида бошқарувчи компанияларга, шу жумладан хорижий компанияларга

топшириш. Бунда ишончли бошқарувчи ўз зиммисига олган мажбуриятларнинг бажарлишини шахсий мулки билан таъминлаши керак. Бундай таъминотнинг усул (гаров, неустойка, банк кафолати ва ҳ.к.) ва миқдори танлов комиссияси томонидан танланиши ва танлов шартларидан бири бўлиши лозим. Танлов ғолиби сифатида "комиссия фикрига кўра, энг асосланган танлов таклифини (ҳаракат дастурини) тақдим этган ва уни амалга ошириш учун энг яхши касбий имкониятга эга бўлган иштирокчи" эълон қилинади. Миқдорий кўрсаткичлар - масалан, даъвогар томонидан билдирилган харажатлар лимити - бўйсунувчи ролини ўйнаши керак. Агар давлат ишонилган акцияларни сотишга қарор қилса, бошқарувчи акциялар қийматининг улуши миқдорида мукофот олиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Ишончли бошқарувчи трастни олиш учун ҳақ тўлаши лозим. Ушбу ҳолатда у харажатларнинг энг кўп миқдорини белгилаб олиши керак.

Асосан халқ истеъмоли товарлари ва хизматлар ишлаб чиқариш билан банд бўлган АЖ кераклича бошқарилишини таъминлаш учун АЖ бошқаруви раҳбарларига давлат улуши мулкани бошқариш бўйича ваколатни бошқа шахсга топширишига рухсат этилади.

- мувоффақиятли ишловчи ишончли вакиллар учун моддий рағбатлантириш турларини аниқ қилиб белгилаш лозим - бу акция учун опцион, акциялар давлат улуши бўйича олинadиган дивидендларда иштирок этиш ва ҳ.к.;


- корхоналарга молиявий менежмент ва маркетинг бўйича тех-ник ёрдам кўрсатиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш;

- корхонани соғломлаштириш бўйича молиявий режалар ва бизнес-режаларни ишлаб чиқишда услубий ёрдам кўрсатиш;

- акциялар пакетини ажратиш йўли билан АЖ бошқарув ходимларининг самарали ишлашини рағбатлантириш.

Табиий монополиялар устидан давлат назоратини кўчайтириш зарур, улар олдига - иқтисодиётнинг базавий тармоқлари корхоналарининг

маҳсулотга бўлган талабларини қондириш учун қувватларнинг ўз вақтида кенгайтирилишини таъминлаш вазифаси қўйилади.



2.1 – расм. Акционерлик жамиятларининг ички бошқарув схемаси

Икки томонлама ҳукумат: ушбу схемада акцияларнинг бир қисми давлат амалдорига берилади, қолган қисми эса ишончли вакилга топширалади. Акциялаштирилган йирик корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш мақсадида қуйидаги чораларни қўллаш талаб этилади:

- давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамият-ларида акциялар пакетини бошқарув ходимларига ажратиш;
- бошқарув ходимларини қайта тайёрлаш улар малакасини ошириш;
- бошқарувнинг илғор меъёрлари ва усулларини жорий этишда техник ёрдам кўрсатиш;
- корхона раҳбари лавозимига номзодларни тадбиркорлик лойиҳаларини танлови асосида танлаш механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- хусусийлаштирилган корхоналар раҳбарлари билан давлат мулкани ишончли бошқариш учун шартномалар тузиш тартибинини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- раҳбарларнинг корхона фойдасида ва мулкида иштирок этиш тизиминини ишлаб чиқиш;
- давлат мулкани самарали бошқариш ва тасарруф этиш учун жавобгарлик тизиминини ишлаб чиқиш;
- ёлланма мансабдор шахсларнинг корпорация мулкани самарали бошқариш учун жавобгарлик меъёрларинини қатъийлаштириш;
- акцияларнинг ишончли бошқарувга топширилишида ҳар бир номзод томонидан қуйидагиларни ўз ичига олган дастурнинг тақдим этилишинини назарда тутади:
 - кераксиз, такрорловчи бўлинмаларни тугатиш билан корхонани бошқаришни қайта таркиблаш, ҳудудий жиҳатдан узоқда жойлашган филиалларга юридик мустақилликни бериш;
 - бошқарув таркибинини юқорималакали мутахассислар билан тўлдириш;
 - акцияларни, кам фойдаланиладиган ва фойдаланилмайдиган активларни сотиш (лизингга топшириш) билан молиявий қайта таркиблаш, жамият қарзларинини узиш;
 - акциялар котировкаларинини ошириш;
 - кўрсатиладиган пулли хизматларнинг ўсиши асосида ижтимоий инфратузилма объектларидан олинмайдиган фойдани ошириш;

- танлов ғолиби қайта таркиблаш дастурларини амалга ошриш учун зарур бўлган инвестицияларнинг камида 20 фоизини тўплаши керак.

2.2 Акциялар давлат пакетини бошқаришнинг амалдаги схемаси

Давлат мулки давлат сиёсатини ҳаётга тадбиқ этишда муҳим восита ҳисобланади, шунинг учун уни энг самарали бошқариш учун шарт-шароитларни таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этади.

Ҳукумат қарорига кўра хусусийлаштирилган корхоналар акцияларининг пакетлари қуйидаги иштирокчиларга тақсимланади: давлатга, меҳнат жамоасига, хорижий сармоядорга сотиш учун ва қолган қисми эркин сотишга. Акциядорлик жамиятлари акциялари пакетларининг таркиби, бир томондан, иқтисодий усуллар билан акциялар давлат пакетини белгилаш йўли билан стратегик муҳим корхоналар устидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида шакллантирилди. Амалда акциядорлик жамиятлари турли хилдаги иштирокчиларни ўзида бирлаштиради ва уларнинг ҳар бири ўз манфаатларини кўзлайди: булар бошқарув аъзолари, хизматчилар акциядорлар, кузатув кенгаши аъзолари ва ҳ.к. Акциядорлик жамиятини бошқариш - бу иштирокчиларнинг ўзаро ҳамкорлиги механизми ёки тизими ва улар ёрдамида ўз манфаатларини намоён этувчи усуллардир. Бунинг учун янги ташкил этилган акциядорлик жамиятларида корхонани бошқаришнинг янги тузилмалари барпо этилди, бу акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши бўлиб, улар акциядорлик жамияти ижроия органлари (жамият директорати)нинг фаолиятини назорат қилиши ва йўналишларини белгилаб бериши лозим эди. Бироқ уларнинг зиммасига юклатилган бошқарув функциялари амалда бажарилмади. Бу аввало шу билан боғлиқ эдики, кўпчилик корхоналарнинг акциялари сотилмай қолди ва ўз эгаларини топмади, чунки зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг акцияларини сотиб олишни истовчилар топилмади. Натижада акциядорлик жамиятларидаги давлат активларининг миқдори камайиб борди.

Давлат сармоясига эга бўлган акциядорлик жамиятларини бошқариш бўйича давлатнинг олдида турган учта асосий вазифани таъкидлаш мумкин: акциялар давлат пакетида қамраб олинган ижтимоий мулкни шакллантириш ва кўпайтириш; компаниянинг стратегиясини аниқлаш; унинг фаолиятини назорат қилиш. Ушбу асосий вазифалар доирасида акциядорлик жамиятларида бошқариш функцияси амалга оширилиши лозим.

Давлат сармоясига эга бўлган компанияларда давлат манфаатини қим амалга ошириши керак? Давлат мулкни бошқаришнинг самарадорлиги ушбу саволнинг жавобига боғлиқ.

Худди шундай вазият бизнинг мамлакатда ҳам кузатилади, давлат акциялари пакетини бошқариш функцияси бизда ҳам давлат вакиллари - давлатнинг АЖдаги ишончли вакиллари ва бошқарувчи компаниялар зиммасига юклатилган (13, 14 - расм).

Давлатнинг ишончли вакиллари уларда давлатнинг улуши 25 фоиздан юқори бўлган акциядорлик жамиятларига давлат улуши бошқарувчи компанияларга топширилгунга қадар тайинланади. У акциядорларнинг умумий йиғилишида ваколатли давлат вакили ҳисобланади ва акциялар давлат пакети миқдорида берилган ҳуқуқлар чегарасида ҳаракат қилади.

Давлатнинг ишончли вакиллари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги Давлатнинг ишончли вакиллари тайинлаш бўйича махсус комиссия томонидан ёки унинг топшириғига кўра Давлат мулки қўмитасининг ҳайъати томонидан танлов асосида тайинланади. Давлатнинг ишончли вакиллари номзодлари бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажмуалари билан келишилган ҳолда Давлат мулки қўмитаси томонидан киритилади. Бунда давлатнинг ишончли вакилликка номзодлар етарли даражада иқтисодий билимларга, раҳбарлик иши амалиётга эга бўлган ва тайинланаётган пайтда ва кўрсатилган функцияларни бажариш вақтида ушбу акциядорлик жамияти қирадиган компаниялар, корпорациялар, уюшмаларнинг ходими бўлмаган шахслар ичидан, шунингдек, профессионал бошқарувчи компаниялар ичидан

танлаб олинади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси тайинланган давлатнинг ишончли вакили билан акциялар давлат пакетини бошқариш учун тегишли шартномани тузади. Давлатнинг ишончли вакиллари кўпи билан бир йил муддатга тайнланади, бунда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги Давлатнинг ишончли вакиллари тайинлаш бўйича махсус комиссиянинг ёки Давлат мулки қўмитаси хайъатининг тегишли қарори билан ушбу муддат узайтирилиши мумкин.

Давлатнинг ишончли вакили вазибаларига қуйидагилар киради: давлатнинг акциядор сифатидаги манфаатларини ҳимоя қилиш акциядорлик жамиятидаги мол-мулкнинг бутлиги ва ундан оқилона фойдаланишни таъминлаш; корхонада иқтисодий ислохотларни ўтказишга, унинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилашга, менежмент ва маркетинг тизимини такомиллаштиришга ҳамда хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш; корхона томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни янгилаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида замонавий технологик жиҳозлар ва технологиялар асосида ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуролантириш учун инвестицияларни жалб қилиш бўйича тадбирларнинг бажарилиши мониторингини амалга ошириш; акциялар давлат пакети бўйича дивидендлардан акциядорлик жамиятини реконструкциялаш ва техник жиҳатдан қайта қуролантириш йўлида мақсадли фойдаланишни таъминлаш ва б.

Давлатнинг ишончли вакили қуйидаги ҳуқуқларга эга: акциядор сифатида акциялар давлат пакети миқдорида мувофиқ ўзининг барча ваколатларидан жамият устави ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиш; акциядорлик жамиятининг фаолияти ҳақида молиявий-иқтисодий ва бошқа ахборотни, шу жумладан корхонанинг тижорат сирини ташкил қилувчи маълумотларни олиш. Давлатнинг ишончли вакили акциядорлик жамиятининг бошқарув ижроия органлари томонидан амалга ошириладиган жорий ишлаб чиқариш фаолиятига аралashiш ҳуқуқига эга

эмас, уларнинг фаолияти қонунчиликнинг бузилишига олиб келиши ва акциядорлик жамиятига ва давлатга зиён етказиши мумкин бўлган ҳолатлар бундан мустасно.

Давлатнинг ишончли вакили тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ҳузуридаги Комиссия ёки Давлат мулки қўмитаси билан келишилмасдан туриб акциядорлик жамиятининг бошқарув органларидаги бошқа акциядорларнинг вакили бўла олмайди.

Ўз функцияларини бажарганлик учун давлатнинг ишончли вакили тузилган шартномага мувофиқ пул мукофоти олади, унинг миқдори акциядорлик жамиятининг ҳисобот давридаги фаолияти якунларига боғлиқ.

Акциялар (улушлар) давлат пакетларини бошқариш бўйича харажатлар, шу жумладан Давлатнинг ишончли вакили фаолиятини мукофотлаш харажатлари акциялар (улушлар) давлат пакетларига ҳисобланган дивидендларнинг бир қисми ҳисобидан, иқтисодий ночор корхоналардан эса давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан келиб тушадиган умумий маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Давлатнинг ишончли вакили фаолиятини қўшимча мукофотлаш акциядорлик жамияти томонидан жамият Кузатув кенгашининг аъзоси (раиси) сифатида амалдаги қонун ҳужжатлари ва жамият уставида белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

Бошқарувчи компаниялар ҳақида низом бошқарувчи компанияларга ва улар томонидан инвестиция активларининг ишончли бошқарилишига нисбатан қўйиладиган асосий талабларни белгилаб беради. Қимматли қоғозлар ва инвестиция фондлари ҳамда хусусийлаштириш инвестиция фондларининг мол-мулкига кирувчи қимматли қоғозларга инвестициялар маблағларини ишончли бошқариш тартиби ва шартлари, агар қонун ҳужжатларида бошқача шартлар белгиланган бўлмаса, мазкур Низом билан белгиланади.

Инвестиция активларини ишончли бошқариш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори

фаолятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказида бошқарувчи компания лицензиясини олган тижорат ташкилотлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Бошқарувчи компаниянинг муассиси сифатида юридик ва жисмоний шахслар иштирок этиши мумкин, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шунингдек, давлат улушига эга бўлган корхоналар бундан мустасно. Бошқарувчи компания уставида уни фаолятининг алоҳида тури инвестиция активларини ишончли бошқариш ҳисобланади деган қоида мавжуд. Бошқарувчи компания у бошқарадиган инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматининг камида 5 фоизи миқдоридаги моддий активларга эга бўлиши керак.

Мазкур Низомга мувофиқ (инвестиция активларини) ишончли бошқариш объектлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг қимматли қоғозлари, шу жумладан ишончли бошқарув ҳақида шартнома тузилаётган вақтда давлат мулки таркибида бўлган қимматли қоғозлар;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг ишончли бошқарув ҳақида шартнома тузилаётган вақтда давлат мулки таркибида бўлган улушлари (пайлари);

- қимматли қоғозларга инвестициялаш учун мўлжалланган ва муассис томонидан ишончли бошқарувчига бошқариш учун топширилган пул маблағлари;

- ишончли бошқарувчи томонидан шартнома бўйича ўз мажбуриятларини божариши натижасида олинган пул маблағлари ва қимматли қоғозлар.

Фуқаролик ҳуқуқининг исталган бошқа объектлари инвестиция активлари ҳисобланмайди ва мазкур Низом талабларига кўра амалга ошириладиган ишончли бошқарувга топширилиши мумкин эмас.

Акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши ҳақидаги Низом ушбу акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади (6-чизма).

Кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, конун ва уставда акциядорлар умумий йиғилишининг мутлак ваколатига киритилган масалаларнинг ҳал этилиши бундан мустасно. Овозли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг сони ўттиздан кам бўлган жамиятда Кузатув кенгашининг функцияси жамият уставида акциядорлар Умумий йиғилишининг зиммасига юклатилиши мумкин. Мазкур ҳолатда жамият уставида акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш масаласини ҳал этиш ваколатига эга бўлган муайян шахс ёки жамият органи ҳақида кўрсатма бўлиши керак.

Жамият Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби устав ёки акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Оддий ёки бошқа овозли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг сони 500 дан ортиқ бўлган очик акциядорлик жамияти учун Кузатув кенгашининг миқдорий таркиби етти кишидан, оддий ёки бошқа овозли акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг сони 1000 дан ортиқ бўлган жамият учун эса тўққиз кишидан кам бўлиши мумкин эмас.

Кузатув кенгашининг ваколатига қуйидагилар киради:

- жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоялаш тўғрисида"ги қонуни 92-моддасининг ўн биринчи қисмида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно;
- акциядорлар Умумий йиғилишига кўриб чиқиш учун жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш ва жамият аудиторини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритиш;
- акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан ёки эълон қилинган акциялар сони ва турлари чегарасида қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан устав фонди миқдорини ошириш, агар жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори билан унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса;

- облигациялар ва қимматли қоғозларни жойлаштириш, агар жа-мият уставида бошқача ҳолат кўзда тутилган бўлмаса;
- жамиятнинг ижроия органини ташкил қилиш (сайлаш, тайин-лаш, ёллаш ва ҳ.к.), унинг ваколатини муддатидан олдин тугатиш, агар жамият уставида унга шундай ваколат берилган бўлса;
- акциядорлик жамияти номидан ижроия органнинг раҳбари (Бошқарув раиси, директри)ни ва коллегиал ижроия орган (Бошқарув, Дирекция) аъзоларини ёллаш ҳақида бир йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш;
- йиллик бизнес-режаларни тасдиқлаш, агар жамият уставида ушбу масалани ҳал этиш унинг ваколатига киритилган бўлса ёки акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан ушбу масалани ҳал этиш унга топширилган бўлса;
- ижроия органига тўланадиган мукофотлар ва компенсациялар миқдорини белгилаш, агар жамият уставида бу унинг ваколатига киритилган бўлса;
- жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчига) тўлана-диган мукофотлар ва компенсациялар миқдори бўйича тавсиялар киритиш ва аудитор хизматлари ҳақининг миқдорини белгилаш;
- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тарти-би бўйича тавсиялар киритиш;
- жамиятнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдала-ниш;
- жамият ижроия органи фаолиятига тааллуқли исталган ҳужжат-лардан тўсқинликларсиз фойдаланиш, Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш учун ижроия органдан ушбу ҳужжатларни талаб қилиш;
- жамият ижроия органи раҳбарининг йиллик бизнес-режанинг бажарилиши ҳақидаги ҳар чораклик ҳисоботини тинглаш, яккабошчилик асосидаги ижроия орган, коллегиал ижроия орган раҳбари, ташкилот бошқарувчиси ёки бошқарувчи томонидан қўпол хатоларга йўл қўйилганда

ёки жамият йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрлари бажарилиши бузилганда улар билан шартномани муддатидан олдин тугатиш;

- яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор), коллегиял ижроия орган (бошқарув, дирекция) раҳбари, ташкилот бошқарувчиси ёки бошқарувчи томонидан шартнома шартлари бузилганда улар билан тузилган шартномани тугатиш, агар жамият уставида унга шундай ҳуқуқ берилган бўлса.

Жамият Кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар жамият ижроия органига ҳал этиш учун ўтказилиши мумкин эмас.


Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш қонун ва жамият уставида кўзда тутилган тартибда акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Жамият Кузатув кенгаши аъзолари таркибига сайланган шахслар чексиз қайта сайланиши мумкин. Акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият Кузатув кенгашини исталган аъзосининг (барча аъзоларнинг) ваколати муддатидан олдин тугатилиши мумкин.


Акциялар давлат пакетининг амалдаги бошқарувчи компанияси (ишончли бошқарувчи)нинг схемаси қуйидаги тарзда тузилган. Давлат мулки кўмитаси бир томондан ва тармоқ бошқарув органи (ишончли бошқарувчи) номидан унинг Раиси иккинчи томондан акциядорлик жамиятларининг давлатга тегишли акциялари пакетини ишончли бошқариш учун топшириш ҳақида шартнома тузади (давлат пакети жойлаштирилмаган активлар). Ўз функцияларини амалга ошириш учун ишончли бошқарувчи ходимлар сафидан ёки меҳнат шартномасига кўра ёлланган шахслардан ваколатли вакилларни тайинлаш ҳуқуқига эга. Бунда мажбуриятларнинг тўлиқ, самарали ва ўз вақтида бажарилиши учун ишончли бошқарувчининг ўзи жавобгардир. Ҳар бир ваколатли вакилга бир, икки, уч ёки тўрттадан акциядорлик жамияти тўғри келади (2.2 ва 2.3 - расмлар).

Тармоқ бошқаруви органларига кирмайдиган акциядорлик жамиятлари билан бошқарувчи компаниялар (ишончли бошқарув) шартномалари Давлат

мулки қўмитасининг ҳудудий бошқармалари билан тузилади. Мазкур акциядорлик жамиятларида акциялар давлат пакетлари ушбу акциядорлик жамиятларининг ўзларига топширилган. Агар уларнинг қошида шуъба корхоналар мавжуд бўлса, у ҳолда асосий акциядорлик жамиятидан ваколатли вакиллар тайинланади.



2.2 – расм. Республика тармоқ бошқарув органларига эга АЖ лардаги давлат акция улушини бошқариш схемаси.



2.3 – расм. Хуудий бошқарувга эга тармоқ бошқарув органларига эга АЖ

2.3. Қурилиш тармоғи - «Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси корхоналарида корпоратив бошқарув ҳолати

«Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолиятини яхшилашга қаратилган ягона стратегик йўлни амалга ошириш учун ишончли бошқарувга топширилган акциялар пакетлари орқали давлат номидан акциядорлик жамиятларини корпоратив идора қилишда фаол қатнашиб келаяпти. Асосий мақсад: акциялар эгаси ҳисобланган давлатнинг ҳуқуқлари паймол этилишига йўл қўйилмаслик, қонунбузарликлар содир этилган ҳолатларда эса бундай камчиликларга дарҳол барҳам беришдан

иборатдир. Шунинча алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мазкур жараёнда уюшма корхоналарининг тезкор, яъни кундалик фаолиятига аралашаётгани йўқ. Балки кузатув кенгашлари ҳамда акцияларнинг умумий мажлисларида фаол катнашиш орқали ягона техник сиёсатини ўтказишга интилоқда.

«Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси нинг 2002 йилдаги иш фаолияти куйидаги иш фаолиятни куйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади:

- 10,8 млрд сўм ҳажмида соф фойда олинди, бу кўрсаткич 2001 йилдаги фойдага нисбатан 176,3 фоизни ташкил этади;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ҳажми 13479,5 млн сўмни ташкил этди. Умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар ҳажми 139825,9 млн сўмдан бўлди. Демак, кичик бизнес улуши 9,6 фоизга (2002 йил бошоратида 9,1 фоиз эди) тўғри келди;

- ишлаб чиқаришни шу ердаги хомашё ресурслари ҳисобидан маҳаллийлаштириш ҳамда материаллар, эҳтиёт қисмлар ва ускуналарни тайёрлашга буюртмаларни жойлаштириш йўли билан импорт хом ашё бўйича 784,6 млн, эҳтиёт қисмлар бўйича эса 1,02 млрд. сўмлик миқдорда қисқартирилди;

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг умумий ҳажми ўсиши қиёсий нархларда аввалги йилнингхудди шц даврдагига нисбатан 111,8 фоизни, халқ истеъмол моллари бўйича эса 112 фоизни ташкил этди;

- 2001 йилдагига нисбатан ишлаб чиқаришнинг куйидагича ўсишига эришилди: цемент – 105,5 фоиз; шифер – 112,7; қурилишда ишлатиладиган ойна – 102,2; томга ёпиладиган юмшоқ материаллар – 108,9; линолеум – 196,7; пардозлаш учуун сопол плиткалар – 101; консервалаш учун шиша идишлар – 148,1, шишалар – 181,1; сантехника сопол буюмлари – 100,4; мрамор блоклар – 100,4; фосфор уни – 245,7 фоиз ва бошқалар.

- маҳсулот экспорт қилиш 13090,6 минг АҚШ долларни ташкил этди.

Уюшмадаги АЖ ларининг низом жамғармалари инвентаризация қилиб чиқилган, унинг натижаларига кўра АЖ нинг низом жамғармасини

қоидаларига мувофиқ ҳолга келтириш (камида 50 минг АҚШ доллари эквивалентига тенглаштириш) ёки бошқа турдаги ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўтиш таклиф этилган. Жумладан, уюшма таркибига кирувчи 53 та АЖ дан 31 тасида (62 фоиз) акциядорлар мулкчилигининг бошқа шаклига ўтишга қарор қилинган, яъни 25 та масъулияти чекланган жамият ва 6 та қўшма корхона ташкил этилмоқда.

Ҳозирги пайтда корпоратив тамойилларини янада тадбиқ этиш мақсадида барча акциядорлик жамиятлари бўйича кузатув кенгашларининг иш режа-графиклари тузилиб, уларнинг аъзолари ўртасидаги вазифалар вазифалар тақсимлаб чиқилган, АЖ ларнинг йилнинг биринчи чорагидаги иш якунлари ва бизнес режанинг бажарилиши юзасидан ижроия органи раҳбарларининг ҳисоботлари белгилаб муддатда тинглаб борилмоқда.

2.4 Корхоналарда бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари

ЎзР Президентининг 2003 йил 24 январдаги «Ўзбекистонда иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-3202 сонли фармони ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан бир қатор ҳукумат қарорларининг қабул қилиниши муносабати билан корхоналарда бошқариш тизимини такомиллаштириш ва улар самарадорлигини кескин ошириш ўта долзарб вазифага айланди. Гап шундаки, корхоналар даражасида ўзгаришлар жараёни секин кечаётган, бундай ҳолат иқтисодий ўсишга жиддий тўсиқ бўлиб қолган эди.

Таҳлиллар кўрсатишича, корхоналар даражасида иқтисодиётнинг самарали бўлишига тўсқинлик қилаётган энг долзарб муаммо – бу корхонани бошқариш тизимининг нобоплигидир. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Яъни корхона фаолиятида стратегиянинг йўқлиги, улар қисқа муддатли натижаларга йўналтирилиши, корхона раҳбарларининг бозор конъюнктурасини етарлича билмасликлари, менежерлар ва ходимлар

малакасининг пастлиги, ишчиларни меҳнатга ундовчи омиллар ишга солинмаётганлиги ва бошқалар.

Яна бошқа сабаблар ҳам бўлиб, улар корхоналарда директорлик корпусининг иштирокчилар (муассислар) олдида қабул қилинган қарорларнинг оқибатлари, корхона мол-мулкининг бутлиги ва ундан самарали фойдаланиш, шунингдек, корхона фаолиятининг молиявий хўжалик натижалари учун жавобгарлик даражасининг пастлигидадир.

Ҳар бир корхона раҳбарияти олдинда уни нима кутаётганлиги ва нималарга эриша олиши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиши керак. Бунга эса корхонани ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, режалаштиришнинг турли хилларини самарали равишда уйғунлаштириш, маркетинг ишини яхшилаш ва ҳоказолар ёрдамида эришилади. Бу йўналишдаги ишлар доимий ва узлуксиз тарзда олиб борилиши керак. Лекин ушбу талабларни фақат бошқарув тизими ва унинг механизми орқали, бунинг учун қулай шарт-шароит яратган ҳолда бажариш мумкин. Амалда эса бу бошқарув тизимини такомиллаштириш зарурлигини англади. Ўзбекистоннинг илғор корхоналари тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- бошқарувни марказлашмаган тизимга ўтказиш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва диверсификациялаш;
- хўжалик механизмини такомиллаштириш;
- корхона фаолиятида барқарорликни юзага юзага келтириш.

Корхона фаолиятида барқарорликни юзага келтиришга турли йўллар билан эришилади. Биринчидан, корхона ўз жихозлари билан алоқаларни мустаҳкамлаши керак бўлади. Агар корхона ўз мижозларига тўлиқ даражада хизмат кўрсатмаса, у ҳар доим муваффақиятсизликка учрайди. Бошқача айтганда, эҳтиёжни тушуниш учун мижозларни синчковлик билан ўрганиш, кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш лозим. Бунинг учун эса қуйидаги саволларга жавоб бериш керак: мижозлар кимлар - хусусий шахсларми ёки юридик


шахсларми, уларни корхона маҳсулотини харид қилишга нималар ундайди? Иккинчидан, рақобатчиларни яхши билиш даркор. Бошқарув тизими фаол маркетинг сиёсатини тақозо этади.

Корхонани барқарорлигини таъминлаш кейинги муҳим жиҳат бўлиб, у бошқарувнинг атроф муҳитдаги сиёсатда, иқтисодиётда, технологияда рўй бераётган ўзгаришларга доимий равишда мослашувидир. Агар шундай бўлмаса корхона ўзгаришлар қурбонига айланади.

Америка ва ғарб мамлакатларидаги илғор корхоналарнинг тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, саноат ишлаб чиқаришини бошқариш ва ташкил этишнинг янги усулларида амалда фойдаланиш захиралар ва қурилиши тугалланмаган ишлаб чиқаришни 50-100 фоиз, ишлаб чиқариш майдонларига бўлган эҳтиёжни 30-50 фоиз, умумий ишлаб чиқариш харажатларини 30-50 фоиз камайтиради.

3-боб. Иқтисодиётнинг хусусий тузилмаларининг мувофиқлаштирув органлари

3.1 Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ижро этувчи аппарати



3.1 – расм. Республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ижро этувчи аппарати




3.2 – расм. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палатасининг намунавий тузилмаси

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси бошқарувининг ижро этувчи аппарати тузилмасига 3.1-расмга мувофиқ ва унинг ходимлари чекланган сонидан иборат бўлиши (хизмат кўрсатувчи ходимлардан ташқари) белгиланган.

Ҳудудий ва туман (шаҳар) палаталарининг намунавий тузилмаларига 3.2, 3.3 - чизмага мувофиқ олиб борилади.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасини бошқаришнинг юқори органи сифатидаги товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палаталарининг ваколатли вакиллари Съезди мажлислари орасидаги даврда Палата фаолиятига раҳбарликни Палата Марказий Кенгаши, унинг қарорларини жорий бажаришни эса – Палата бошқаруви амалга оширади.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси моддий-маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирга, Палата раисининг биринчи ўринбосари вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилган.



3.3 – расм. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар туман палатасининг намунавий тузилмаси

3.2 Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг ташкилий бошқаруви

Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ва унинг ижро этувчи аппарати ташкилий тузилмаси мавжуд. Уюшманинг шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлари тегишли ҳудудий ҳамда туман уюшмалари негизида ташкил этиладиган вилоят ва туман вакилликлари ижро этувчи аппаратларининг ташкилий тузилмаси маъқулланган.

Уюшма ва унинг ҳудудий вакилликлари дехқон ва фермер хўжаликларини бирлаштирадилар, давлат ташкилотларида ва бошқа

ташкilotларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қиладилар ва ифодалайдилар, ўз фаолиятларини уставларга мувофиқ, тўлиқ хўжалик ҳисоб-китоби принципларида ташкил этадилар.

Уюшманинг ўз аъзолари билан узаро ҳуқуқий муносабатлари уларнинг уставлари ҳамда хўжаликлар томонидан Уюшманинг туман вакилликлари билан тузиладиган, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ томонларнинг ўзаро жавобгарлигини ва манфаатларини назарда тутувчи шартномалар асосида амалга оширилади.

Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси ва унинг уринбосарлари съезд томонидан сайланадилар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан лавозимга тасдиқланадилар ҳамда мақоми, маиший таъминот, тиббий ва транспорт хизмати курсатиш шарт-шароитларига кўра Уюшма раиси – вазирга, раиснинг биринчи ўринбосари – вазирнинг биринчи ўринбосарига, раис ўринбосари – вазир ўринбосарига тенглаштириладилар.

Дехқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг директори лавозимига кура Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раисининг уринбосари ҳисобланади.

Худудий вакилликлар раҳбарлари тегишли ҳокимликлар билан келишилган ҳолда Уюшма раиси томонидан тайинланадилар.

Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг асосий вазифалари:

- дехқон ва фермер хўжаликларининг республика қонунчилиги билан уларга берилган ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

- дехқон ва фермер хўжаликлари фаолияти, уларни ташкил этиш ва тугатиш мониторингини юритиш;

- дехқон ва фермер хўжаликларида ерлардан самарали фойдаланилишини мунтазам ўрганиш, ер участкаларини қўшимча равишда ажратиш ёки қонунчиликда белгиланган тартибда олиб қўйиш тўғрисида тегишли ҳокимликларга таклифлар киритиш;

- майда ва ўрта қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи-ларини шартнома асосида уруғликлар, ўғитлар, кўчатлар, наслдор моллар ва бошқа ресурслар билан таъминлашга, уларга ишлаб чиқариш – технология, транспорт, юридик, ахборот, маркетинг хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатилишига кўмаклашиш;

- дехкон ва фермер хўжаликларига улар етиштирган маҳсулот-ларни ички ва ташқи бозорларда сотишга кўмаклашиш;

- дехкон ва фермер хўжаликларига уларнинг кредитлар, шу жумладан хорижий кредитлар олишида ва уларни ўзлаштиришида маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш.



3.4 – расм. Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг тузилмаси



3.5 – расм. Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ижро этувчи аппарати тузилмаси



3.6 – расм. Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг ҳудудлар вакилликлари аппаратининг намунавий тузилмаси



3.7 – расм. Дехкон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг туманлар вакилликлари аппаратининг намунавий тузилмаси

3.3 Аграр хўжалик корхоналарини ташкилий иқтисодий асослари: ширкат, фермер ва деҳқон хўжаликлари

Аграр хўжалик корхонаси маълум ишлаб чиқариш воситалари кўролланган ижтимоий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштирувчи меҳнаткашлар гуруҳи ёки хўжалик юритувчи объектдан иборат. Қишлоқ хўжалигидаги корхоналар ўз фаолиятларини «Корхоналар тўғрисида»ги қонунга, ишлаб чиқган бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга асосан олиб борадилар. Ушбу қонунда корхоналарни ташкил қилишнинг иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда ташкилий асослари кўрсатиб берилган бўлиб, бу асослар корхоналарни қандай мулк негизида ташкил этилганидан қатъий назар умумий хусусиятга эга эканлиги кўрсатилган.

Қишлоқ хўжалигида ҳозирги вақтда мавжуд мулк муносабатлари-га кўра корхоналарнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- ширкат хўжаликлари;
- фермер хўжаликлари;
- деҳқон хўжаликлари.


Аграр хўжалик - ширкат (кооператив) хўжалиги, товар қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш учун пай усулига ва асосан оила (жамоа) пудратига, фуқароларнинг ихтиёрий равишда бирлашишга бошқаришнинг умумийлиги асосланган, юридик шахс ҳуқуқига асосланган мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Фермер хўжалиги ўзига узоқ муддатли ижарага берилган ер участкалардан фойдаланган ҳолда товар қишлоқ хўжалигини юритувчи ягона бошқариш ва аъзоларининг биргаликда фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

Деҳқон хўжалиги – оилавий майда товар хўжалиги бўлиб оила аъзоларнинг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган ер участкасида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилади ва реализация қилади.



3.8 – расм. Деҳқончилик тизимининг асосий тadbirlari схемаси.



3.9 – расм. Чорвачилик тизимининг асосий тадбирлари схемаси.

3.4 Хусусий корxonанинг янги имкониятлари

Маълумки, 2003 йилнинг 11 декабрида ЎзР «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниши билан хусусий корхонага эгалик қилган якка тартибда хўжалик юритувчи субъектларга қулай шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини кўрган ҳолда мамлакатимизда мулкдорлар синфини шакллантириш бўйича ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришда яна муҳим қадам ташланди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Шундай экан, қонуннинг асосий мақсади – хусусий корхоналар тузиш, унинг фаолиятини йўлга қўйиш, қайта ташкил этиш ва тугатилиши

тўғрисидаги муносабатларни қонуний равишда тартибга туширишдан иборатдир.

Қайд этиш жоизки, қонунда кўзда тутилганидек, хусусий корхона эгаси ўз корхонасига эгалик ҳисси билан унга шахсий жавобгарлик мажбурияти юкланган ҳолда уни бошқариш, мабодо корхонада вақтинчалик бўлмаган кунларида маълум муддатга вазифасини бошқа биржисмоний шахсга юклатишга мажбурдир. Шулар билан бирга, иш берувчи, яъни хусусий корхона эгаси корхона ходимларига нисбатан муносабатда бўлишда меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка амал қилади. Шунингдек, хусусий корхона қонунга мувофиқ бир томонлама якка шахсинг номида бўлиши билан ходимларнинг сонига қараб митти ёки кичик корхона, ёхуд бошқа хўжалик юритувчи тадбиркор-субъект сифатида ҳам фаолият юритиши мумкин.

Яна бир нозик томонини эслатиб ўтиш керакки, юқорида тилга олинганидек, қонунда хусусий корхона мулк эгаси – биргина жисмоний шахс томонидан ташкил этилади ва бошқарилиши белгилаб қўйилган бўлсада, Ўзбекистон фуқаролик қонунчилигига мувофиқ, жисмоний шахс тушунчаси остига ЎЗР фуқаролари ва бошқа давлатлар фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган жисмоний шахслар киргани ҳолда, ушбу қонун уларнинг барчасига жорий этилиши кўзда тутилган.

Хусусий корхона эгаси раҳбар сифатида уни якка бошқаради. Корхона номидан ишончномасиз фаолият юритади. Ҳар томонлама унинг манфаатларини ифодалайди. Хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалар беради. Шунингдек, банкларда ҳисоб варақалар очади. Штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва тегишли кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, хусусий корхона эгасига яна қуйидаги ҳуқуқлар ҳам берилган:

- хусусий корхона низомига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;
- хусусий корхонани қайта ташкил қилиш ва уни тугатиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилиш;
- солиқлар ва бошқа тўловлардан қолган фойда ҳисобидан корхонани моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва шу каби мақсадли йўналишларга ўз хоҳиш-истаги билан сарфлаш;
- у хусусий корхонага тегишли мол-мулкни ўз ихтиёри билан бошқа шахсга ёки ижарага бериш, гаровга қўйиш, бошқа юридик шахснинг низом фондига ҳисса сифатида тақдим этиш, шунингдек, ушбу мол-мулкни бошқача тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

Қонунда кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, хусусий корхонанинг мол-мулки национализация қилинмайди. Шунингдек, унинг мол-мулки ҳам реквизиция қилинадиган ҳолатлар, яъни хусусий корхонанинг мол-мулкнинг бозор қийматида муқобил компенсацияси тўланадиган табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизотиялар ва бошқа фавқулодда тусдаги бошқа ҳолатлар бунга кирмайди.

Амалдаги қонун талаблари бўйича ўз навбатида хусусий корхона сифатида фаолият кўрсатишидан қабтӣ назар, солиққа тортилиши билан мажбурий тўловларнинг доимий ставкалари белгиланади.

Айтиш жоизки, хусусий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сўнг корхона мулкдорининг тасарруфида қолади.

Хусусий корхонани текшириш назорат қилувчи органлар томонидан кўпи билан ҳар бир икки йилда бир марта, белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно, албатта. Назорат органлари томонидан ўтказиладиган текширувлар йўналиши асосан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ва ўз вақтида тўланаётгани ҳамда мабодо корхона моддий-техника базасини мустаҳкамлаш

учун кредитлар олган бўлса, унинг мақсадли йўналишларга сарфланишига қаратилган бўлади.

Хусусий корхона эгаларига яна шундай эркинликлар берилганки, у ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қонунга мувофиқ ассоциацияларга, уюшмаларга ва бошқа бирлашмаларга бирлашишлари мумкин. Шунинг билан бирга, хусусий корхона эгасининг хоҳишига кўра, қонунда белгиланган тартибда қайта ташкил этилиши ёхуд тугатилиши ҳам мумкин.

4-боб. Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш

4.1 Корхоналар бошқарувини тамойиллари

Бошқарувнинг илк босқичлари қадимги замонларга бориб тақалади. Бошқарувнинг тамойиллари ва вазифалари турли кўринишда бўлиб, уларнинг илдизлари энг қадимги давлатларнинг вужудга келиш даврлари билан боғланган. Илк давлатларнинг ташкил бўлишига жамият ривожининг ички қонуниятлари (ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг юқори даражаси, хунармандчилик, товар айирбошлаш ва савдонинг тез ривожланиши, суғорма деҳқончилик ва бошқалар) билан бирга, ташқи омиллар - кучайиб бораётган сиёсий қарама-қаршилиқлар ва ҳарбий тўқнашувлар ҳам таъсир қилган.

Жаҳон тарихидан илк давлатлар деҳқончилик ва чорвачилик каби ишлаб чиқарувчи хўжалиқлар пайдо бўлган жойларда шаклланади. Бошқарувнинг пайдо бўлиш асослари қуйидагилардан иборат:

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий меҳнат тақсимооти;
- ташқи ҳарбий босқинлардан ҳимояланиш зарурияти;
- жамоадаги урф-одатларни бажариш;
- жамиятнинг ижтимоий-амалий вазифалар жиҳатдан бўлиниши.

Энг қадимги даврлардан бошлаб қуйидаги бошқариш функциялари устивор бўлиб келмоқда:

- ташкил қилиш;
- тартибга солиш;
- назорат;
- жамоатнинг ички ва ташқи муносабатларини бошқариб туриш.

Қадимги бошқарув тизими тубандаги функциялар билан боғланган ҳолда амалга оширилган: иқтисодий; ижтимоий; ҳарбий-сиёсий.

Ишлаб чиқариш ривожланишининг пропорционаллик тамойилини билмаслик оқибатида бир хилдаги буюмлар ҳаддан ташқари кўп ишлаб чиқарилади, иккинчи бир турдаги буюм эса кам ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқаришдаги баланс бузилади, бир турдаги буюмлар тақчиллиги кузатилганда, бошқа турдаги буюмлар омборларда тахланиб ётади. Оқибатда меҳнат қийматининг ялпи пасайиши вужудга келади. Корхоналар ва аҳоли эҳтиёжи қондирилмай қолади. Баланснинг тикланиши қайтарилиб бўлмас ҳаражатларни, жамланма буюмларнинг йўқотилиши, мақсадсиз сарфланган меҳнат эвазига амалга оширилади.

Корхоналарда бошқарувни ташкил қилишнинг барча субъектлар учун умумий хусусиятга эга бўлган асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- бошқарувни демократик тамойиллар асосида шакллантириш. Корхонадаги ҳар бир бошқарув бўғинининг аниқ қоида ва услубларга асосланиб тақсимланиши;

- бошқарувда илмий асосланган қарорлар қабул қилиш тамойи-ли. Корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳар бир жараён маълум бир қонунларга асосланади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш қонунларининг бузилишига йўл қўйиб бўлмайди, аксинча уларни чуқур ўрганиш ва ишлаб чиқариш жараёнида қўллаш зарур;

- бошқарув самарадорлиги тамойили. Эркин бозор муносабат-лари шароитида корхона раҳбари ўз рақобатчиларидан орқада қолиб кетмаслик учун доимий изланишда ва бошқарув қарорлари самарасини ошириш пайида бўлади;

- кетма-кетлик ва узлуксизлик тамойили. Бу тамойил шундай ташкилий ишлаб чиқариш ва технологик шарт-шароитлар яратишни назарда тутадик, бунда ишлаб чиқариш жараёнининг кетма-кетликда ва узлуксиз барқарор ишлаши таъминланади.

Бозор муносабатлари тобора эркинлашиб, ўз йўналишини танлаб олаётган кичик ва ўрта бизнес корхоналари учун рақобат муҳити тобора кучайиб бораётган бугунги кунда корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг жаҳон бозорига рақобатбардош маҳсулот олиб чиқиши учун бошқарувнинг зикр этилган асосий тамойилларига суяниш лозим.

Маълумки Абдураззоқ Самарқандий Хиротдаги темурийлар саройида 26 йил давомида мулозим (китоб) лавозимида хизмат қилган. Унинг замондошлари фикрича Абдураззоқ домла бир неча асарларининг муаллифидир, аммо бизгача фақат мазкур китоб етиб келган, холос.

Бу нодир китобнинг тўлиқ номи "Матлаи саъдаи ва мажмаи баҳрайн". Асарни тўрт нуқтаи назардан ўрганиш самарали бўлади, яъни:

- 1) китобда давлат ва жамият бошқарувининг умумий қонун қоидаларини акс эттирилиши;
- 2) марказий ва жойлардаги ҳокимиятнинг ўзаро мувофиқлиги;
- 3) маъмурий бошқарувнинг айрим усуллари;
- 4) раҳбарлик маҳорати.

Давлат ва жамият бошқарувининг умумий қонун қоидалари.

Агар баъзи амирлар масофа йироқлиги ва фитна-ю офат кўрқинчи сабабли биз йўқлигимизда иттифоққа келган бўлсалар, энди маслаҳат шуки, сен тўла зийрайлик юзасидан иш тутиб, ҳузуримизга келгин, токи биз нимаки мақул топсак, шунга иттифоқ тузиб амал қилайлик".

Бу фикрдан биз шундай хулоса чиқаришимиз керакки, давлатни бошқаришда, энг аввало, иноқлик ва иттифоқ даркор, чунки мамлакат яхлитлигича қарши чиқадиган фитначилар доимо топилади.

Ҳиротдаги марказий хокимият жойлардаги раҳбарларга ўз вақтида керакли ахборотни етказиб турган ва шу усул орқали уларнинг самарали фаолиятини таъминлаган. Амир, Мирзо ва султонлар ўрталарида адолатли бошқарув масаласида турли келишув, ахднома, битимлар тузилган.

Давлат бошқарувининг бевосита усуллари. Давлат бошқаруви, албатта, нафақат ҳарбий кучларга суянган ҳолда, балки ундан кўра кўпроқ маъмурий чоралар, жумладан, оммавий коммуникация орқали амалга оширилган. Бундай маъмурий боғланишлар сирасига биз турли хатлар, буйруқлар, низомлар, фармонлар, ёрлиқларни ва бошқа шу каби ҳужжатларни киритамиз.

Азалдан маълумки, агар раҳбар муайян қобилиятга эга бўлмаса, бошқарув тартиб-қоидаларни билмаса ва ўзи уларга риоя қилмаса, унинг раҳбарлиги узоққа бормайди.

Давлатни бошқаришда бевосита биринчи шахснинг ўзи доно ва адолатли бўлиши етарли эмас, шу билан бирга, унинг атрофидаги раҳбарлар ҳам ўз лавозимларига лойиқ бўлишлари керак эди.

4.2 Корпоратив бошқарувда иштирок этаётган раҳбарларнинг шахсига талаб

Инсон ресурсларини бошқариш мавзусида гап борар экан, бу масаланинг иқтисодий, маънавий, психологик, ижтимоий ва бошқа бир қанча томонларини ёритиш зарурати туғилади. Лекин буларнинг барчаси у ёки бу сифатда раҳбар шахси қиёфасида намоён бўлади ва раҳбар шахсига қўйилаётган талаблар мажмуасига киради. Инсон ресурсларини бошқариш мавзусидаги асосий бўлимлардан бири раҳбарлик фаолиятини тўғри ташкил этиш, раҳбарнинг имкониятлари ва ундан фойдаланиш, раҳбар шахси таҳлилига қаратилган.

Раҳбарнинг ташкилотдаги ўрни, унинг жамоадаги мавқеи масаласи энг нозик мавзулардан биридир. Хўш, раҳбарга обрў, мавқе қаердан келади, у

қандай пайдо бўлади? Аниқланишича, раҳбарлик мавқеини, кучини юзага келтирувчи учта омил бор экан:

- ташкилот, раҳбарлик мавқеи томонидан бериладиган куч. Раҳбар «оқсуяк» сифатида намоён бўлганда;

- раҳбарнинг шахсий хислатлари. Ходимлар унинг ҳақида «Биз унга жон дилимиз билан буйсинамиз», - дейишади;

- раҳбарнинг билим ва малакаси. Бу эса раҳбарнинг ёшига боғлиқ эмас.

Ҳар қандай раҳбар қуйидагиларни билиши унинг мавқеи ўсиши учун катта имкониятлар яратади:

- мақсадларни пухта билиш ва англаш, раҳбар сифатида ўзи нимага эришмоқчи эканлиги ва ходимлардан нимани кутаётганини аниқ билиш;

- қаерга қараб кетаётганини билиш. Аниқ мақсадни билмай туриб, одамларни бошқариш мумкин эмас.

Ташкилотда иложи борича ахборот алмашинуви тизимини яхши йўлга қўйинг. Қаерда, қачон нима бўлаяпти, сабаблари кимлар, ходимларни қайси саволлар кўпроқ ташвишга солаяпти ва қандай қилиб уларга иложи борича тезроқ ва тўғри жавоб етказиш лозим, деган фикрда бўлмоқ лозим.

Ходимларни ҳеч қайси ютуғи раҳбар назаридан четда қолмаслиги керак. Корхонадаги камчиликларни бартараф қилиш ва ютуқларни кўпайтириш ҳақида чоралар кўриш зарурий ишдир.

4.3 Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш

Фойда кўриб ишлайдиган корхоналар раҳбарлари молиявий ва умуман иқтисодий аҳвол оғир бўлган шарт-шароитларда ҳам дивидендлар тўлашининг сабаблари қуйидагилардан иборат:

- корхонанинг ижодий ўзагини сақлаб қолишга интилиш;

- мазкур корхона ходимларининг қўлида акциялар назорат пакети сақланишига интилиш;

- акциядорлар, салоҳиятли инвесторлар, кредиторлар, қимматли қоғозлар бозори профессионаллари кўз олдида корхонанинг муайян имиджини яратиш.

Фонд бозорида ва умуман иқтисодиётда АЖлар схемада кўрсатилганидек бошқаруви ташкил этилади ва ўз мақсадларини амалга оширади.

Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштиришга тавсиялар:

- бошқарувни марказлашмаган тизимга ўтказиш;
- ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва диверсификациялаш;
- хўжалик механизминини такомиллаштириш;
- корхона фаолиятида барқарорликни юзага келтириш.

- рентабелли ишлаётган корхоналарнинг қўшимча акцияларини чиқариш, молиявий жиҳатдан барқарор корхоналарнинг корпоратив акцияларини чиқариш йўли билан республика фонд бозори ресурсларини кўпайтириш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори қатнашчилари учун бир қатор солиқ имтиёзларини бериш лозим. Эмитентларнинг молия-хўжалик фаолияти, уларнинг акциялари нархлари ва тўланадиган дивидендларнинг миқдорлари ҳақида аҳолининг кенг қатламини мунтазам равишда хабардор қилиб туриш учун «Информ-инвест» агентлигини ташкил этиш тўғрисида ДМҚ таклифи мавжуд. Иқтисодиётни кўп қисми хусусий-мустақил бўлганлиги учун ва маълумотларни ҳолисона эълон қилиши учун ушбу агентлик ҳеч бир давлат тузилмасига бўйсунмаслиги лозим. Тегишли ҳуқуқий меъёрлар доирасида фаолият кўрсатиши мақсадда мувофиқ.

5-боб. Корхоналар инновацион жараёни менежменти

5.1 Инновацион жараённинг асосий босқичлари ва унинг менежменти

Инновацион сўзининг маъноси инглиз тилидаги Innovation сўзидан олинган бўлиб янгилик ва янгилик киритиш деган маънони билдиради. Инновацион жараённинг асосий босқичлари: келиб тушаётган фикрларни тизимлаштириш; ғояни аниқланиши ва янги маҳсулотни ғоясини ишлаб чиқиш; янги маҳсулотни иқтисодий самарадорлигини тахлили, маркетинг дастурини ишлаб чиқиш; янги маҳсулотни яратилиши; бозорда янги маҳсулот сотилиш эҳтимоллиги ҳақида даврий тест ўтказиш; маркетинг дастурига асосланган янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга киритиш ҳақида қарор қабул қилиш.

Инновация жараёнини бошқариш объекти техник сиёсатни ишлаб чиқиш учун юқори даражада махсуслаштирилган бўлимлар, яъни уюшмаларни, кўмиталарни ёки ишчи гурҳини тузишни тахмин қилади:

- инновацион фаолиятни назорат қилиш учун янги маҳсулотни бўлим-ларини ва марказлашган хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- янги маҳсулот яратиш учун мақсадли лойиҳа гурҳларини ёки марказ-ларини белгилаш;
- ишлаб чиқариш бўлимларида мавжуд бўлган ИИ, КИ лаборатория-лар, илмий маркалар бўлимларини ролини ошириш;
- инновацион фаолиятни раҳбатлантирувчи махсус фондларни ва вен-чур бўлимларни ташкил этиш;
- янгилик киритиш соҳасида маслаҳат бериш хизматларини ташкил этиш;
- янги технологияларни ўзлаштириш муаммоси билан шуғулланувчи махсус тармоқли лабораторияларни яратиш.

5.2 Инновацион лойиҳаларни баҳолаш тартиби ва танлаш усуллари

Баҳолашнинг баллик усули қуйидагича. Лойиҳа натижаларига таъсир этувчи энг муҳим омиллар танлаб олинади (мезонлар рўйхати тузилади). Меъзонлар аҳамиятлилик даражаси бўйича териб чиқилади. Буни бошқарувчилардан аниқлаш мумкин, яъни уларга 100 банддан иборат кўрсаткичларни меъзонлар гуруҳига ажратиш таклиф этилади (умумий қатор учун у ёки бу меъзонларнинг аҳамиятлилик даражаси бўйича).

Ҳар бир айтиб ўтилган меъзонлар бўйича сифатли Баҳолар (жуда яхши», «яхши» ва ҳ.) миқдорий ифодаланади. Буни мутахассислар меъзонларини миқдорий ифодалаш йўли билан аниқлай оладилар (5.1-жадвал).

5.1 – жадвал. Инновацион лойиҳаларни танлашни асосий усуллари.


Усул номи ва қисқача таърифи	Усул афзалликлари	Усул камчиликлари	Усул қўллаш муҳити
Дисконт усули - ўз ўзини қоплаш. Даромадларнинг пул оқими харажатларнинг пул оқимига тенглаштиришда аниқланади.	Пул оқими концепциясидан фойдаланади. Қайта молиялаш имконияти ва пулларнинг вақтинчалик баҳоси ҳисобга олинади.	Агар миллий валюта конвертацияланувчи бўлмаса самарасиз ишлайди.	Барқарор иқтисодий муҳитда.

Соф жорий қиймат узули. Даромад ва харажатлар суммаси орасидаги фарқ ёки лойиҳадан соф пул оқими сифатида аниқланди. Агар курсатгич 0 дан катта бўлса лойиҳа ўтади, агар 0 га тенг бўлса корхона бу лойиҳага лоқайд.	Акционерлар фойдасини кўпайтиришга қаратилган.	Баъзан катта харжатлар талаб қилади. Лойиҳа узок муддатли бўлганда оз сонли корхонага тўғри келади.	Рентабелли корхоналарда ва хар хил пул оқими лойиҳаларига эга бўлган иухитда.
--	---	---	---

5.3 Корхоналар инновацион лойиҳа самарадорлиги

Инновацион лойиҳани баҳолаш ва молиялаштириш учун уларни танлаш бўйича услубий тавсияномалар ЎЗР давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт вазирлиги ва ТИФ агентлиги томонидан тасдиқланган қуйидаги асосий инновацион лойиҳа самарадорлик кўрсаткичлари белгиланган:

- тижорат (молиявий самарадорлиги) уни бевосита иштирокчи-ларига лойиҳани амалга оширишига молиявий оқибатларни кўзда тутди (5.1-расм);
- бюджет самарадорлиги лойиҳани амалга оширишини давлат ҳудудий ва маҳаллий бюджетлари учун оқибатларни акс эттиради;
- халқ хужалиги иқтисодий самарадорлиги инновацион лойиҳа иштирокчиларининг тўғридан тўғри молиявий қизиқишлари ва мумкин бўлган баҳо ўлчовлари доирасида лойиҳани амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ва натижалар кўзда тутди.



5.1 – расм. Инновацион жараённинг самарадорлик кўрсаткичлари

Лойиҳанинг тижорат самарадорлиги (молиявий асоси) талаб қилинадиган даромад меъёрларини таъминловчи молиявий харажат ва натижаланинг ўзаро муносабати билан аниқланади.


Тижорат самарадорлиги лойиҳа учун тўлалигича ҳисоблангандек алоҳида иштирокчилар учун ҳам уларнинг қоида бўйича қўйилмалари ҳисоби билан ҳам ҳисобланиши мумкин. Унинг учун t -қадамда Δ_t смара сифатида реал пул оқими хизмат қилади.

Бюджет самарадорлиги кўрсаткичлари лойиҳанинг амалга ошириш натижаларини тегишли (федерал, регионал, маҳаллий) бюджетнинг даромади ва харажатларига таъсирини акс эттиради. Лойиҳада кўзда тутилган регионал ва федерал қўллаб қувватлаш чораларини асослаш мақсадида фойдаланувчи бюджет самарадорлигининг асосий кўрсаткичи бўлиб бюджет самараси ҳисобланади.


Интеграл бюджет самараси дисконтланган йиллик бюджет самараларининг йиғиндиси сифатида ёки бюджет интеграл даромадларини интеграл бюджет харажатлари ошириш сифатида ҳисобланиши мумкин.

Халқ хўжалиги иқтисодий самарадорлигининг кўрсаткичлари лойиҳа самарадорлигини бутунлай халқ хўжалиги, шунингдек лойиҳани амалга

оширишда қатнашувчи регион, тармоқ ва ташкилотларнинг қизиқишлари нуқтаи назаридан акс эттиради.



5.2 – расм. Инновацион фаолият схемаси.



5.3 – расм. Инновацияларнинг турлари

Шунингдек эгри молиявий натижаларни, яъни ташкилот ва фуқаро томонларнинг даромадлари ўзгариши лойиҳасини амалга ошириш, ер

майдонлари, бинолар ва бошқа мулкнинг бозор қиймати, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватларини вақтинча тўхтатиш ва тугатиш харажатлари, табиий ресурслар ва мулкнинг авария ҳамда фавқулодда вазиятлар натижасида йўқотишлар билан асосланган натижаларни ҳам ҳисобга олиш лозим.

Қийматлилик баҳога тегишли бўлмаган ижтимоий, экологик, сиёсий ва бошқа натижалар халқ хўжалиги самарадорлигининг қўшимча кўрсаткичлари сифатида қаралади ва лойиҳани давлат қўллаб қувватлаш ёки реализация харажатидаги қарорларни қабул қилиш билан ҳисобга олинади.

Лойиҳа харажатлари таркибига лойиҳани амалга оширувчи барча иштирокчиларнинг лойиҳани кўзда тутилган ва уни реализация қилишга лозим бўлган, жорий ва бир вақтдаги харажатлари киритилмайди:

- истеъмолчи-ташкilotларнинг лойиҳани бошқа иштирокчилари бўлган ишлаб чиқарувчилардан маҳсулотни олишга бўлган харажатлар;

- лойиҳани бир иштирокчилари томонидан яратилган (қурилган, тайёрланган) ва бошқа иштирокчилар томонидан фойдаланувчи асосий воситалар бўйича амортизация чегирмалари;

- мамлакат иштирокчилар ташкilotларининг давлат бюджети даромадларига бўлган тўловларнинг барча турлари, шунингдек солиқ тўловлари ҳам кирази. Экологик нормативлар ва санкциялар халқ хўжалик харажатлари таркибида меъёрларнинг бузилишининг экологик оқибатлари лойиҳанинг экологик натижалари таркибида алоҳида белгиланади ва лойиҳанинг натижалари тартибида қийматлилик маъносида киритилмаган тақдирда ҳисобга олинади.

Янгиликлар бозори (новациялар). Бозорни асосий маҳсулоти бўлиб, интеллектуал фаолиятнинг илмий ва илмий техникавий-натижавий маҳсули ҳисобланади. Унга муаллифлик ва шунга ўхшаш ҳуқуқлар таалуқлидир (5.2-расм).

Жахон тажрибасида илмий-тадқиқот, илмий-техник фаолият ва шу билан бирга тажрибавий (конструкторлик ишлари) кашфиётлар ўртасида фарқлар мавжуд. Янгиликлар бозори ақлий меҳнат вакиллари бўлмиш

олимлар, муҳандислар ва бошқа мутахассислар меҳнати натижасида шаклланади. Уларнинг меҳнати қанча самарали бўлса натижа ҳам шунча юқори бўлади.

5.4 Инновацион менежментнинг такомиллаштириш

Иқтисодий-ижтимоий тизимларнинг инновацион ривожланиш хилига ўтишнинг ташкилий бошқарув жараёнининг таъминланиши қуйидаги тадбирлар мажмуасидан иборат:

- корохонанинг ишлаб чиқариш ва сотиш операцияларини марказлаштириш;

- маҳсулотларни оддий мақсадлар ва операциялар орқали ишлаб чиқаришга ёрдам берувчи эгилувчан ташкилий технологик тизимини яратиш. Бунинг асосида илмий ишлаб чиқариш тизимини янги авлодни қабул қилиш ёки мукамаллаштириш ётади;

- истиқболли соҳаларни эгаллашга қаратилган инновацион тадбиркорлик фирмаларни, илмий лабораторияларни яратиш;

- ўзида истиқболли илмий изланишларни ва ишлаб чиқариш, молиялаштиришни, уларнинг натижаларидан фойдаланиш ҳуқуқуни эгаллаш, мутахассисларни ўқитиш ва қайта ўқитишни молиявий жиҳатдан таъминлаш, маслаҳат бериш хизматларини олган илмий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни шакллантириш;

- илмий изланиш ишларини олиб боиш учун бошқа фирмалар билан алоқани ташкил этиш, янгилик фирмаларни ташкил этиш. Йирик инновацион лойиҳаларни амалга қўллаш;

- етакчи мутахассислардан кенг интеграциялашувга ўтиш асоси-да бошқарувни демократик ва координацион усулларини ривож-лантириш.

Бунда ташкилий структурани одатда текис дейилади, шунинг билан бирга юқори бошқарувчилар ва ижрочилар орасида даража энг минимал ҳисобланади:



5.4 – расм. АЖнинг илмий асосланган ташкилий бошқарув тузилмаси.

- илм, ишлаб чиқариш ва бозорни интеграциялашуви муаммоси билан боғлиқ бутун илмий қайта ишлаб чиқариш циклида стратегик қарорларни қабул қилишни таъминловчи инновацион аналитик стратегик марказларни шакллантириш;

- илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият соҳасида ташқи иқтисодий алоқаларни амалга ошириш, ақлий меҳнатни халқаро тақсимланишида қатнашиш, йирик инновацион дастурни ва лойиҳа-ларни амалга ошириш.



5.5 – расм. АЖнинг такомиллашган илмий асосланган ташкилий бошқарув тузилмаси.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг. Т. 2001г, с.21-23.
2. Бюллетень приватизации за 1997-2002 гг.
3. Джон Уайли. Корпоративное управление М. 1996 г.
4. Корпоративное управление. Владельцы, директора и наемные работники акционерного общества» пер. с англ. М. Прогресс, 1992 г.- 167 с.
5. Круглов М.И. Стратегическое управление компанией М. Русская деловая литература, 1998 г. - 768 с.
6. Шеин В.И., Жуплев А.В., Володин А.А. «Корпоративный менеджмент: опыт России и США – М. Новости, 2000 г. - 280 с.
7. Robert C. Clarko. Corporate Low. Little, Brown&co – Boston: Economic, 1986 г. – 276 p.
8. Ўзбекистон иқтисодиёти. Таҳлилий тўплам. СИСМ. Т. 2003 й.
9. Функ Я.И., Михалеченко В.А., Хвалей В.В. АО: история и теория Минск: Экономика, 1999 г. - 607 с.
10. Храброва И.А. «Корпоративное управление: вопросы интеграции. Аффилированные лица, организационное проектирование, интеграционная динамика» М. Буквица, 2000 г.- 198 с.
11. Цуглевич В.Н. Корпоративный менеджмент в условиях нестабильного рынка. Под общ. ред. Н.П. Тихомирова М. Экзамен, 2003 г.- 320 с.

Илова. Хусусийлаштириш жараёнида ташкил қилинган нодавлат корхоналари сони (дона)

Давр-лар	Жами ташкил қилинди	Шу жумладан		
		Акциядорлик жамиятлари	Хусусий корхоналар	Бошқа шакллардаги корхоналар
02-I	268	26	211	31
02-II	331	45	249	37
02-III	481	86	287	108
02-IV	720	66	505	149
03-1	301	19	255	27
03-2	342	5	301	36
03-3	332	19	160	153
03-4	477	32	265	180

Манба: ЎзР Давлат мулки кўмитаси